

# HUQUQ

# 06

(373)

YURIDIK GAZETA

Fevral

D.	7	14	21	28
S.	1	8	15	22
Ch.	2	9	16	23
P.	3	10	17	24
J.	4	11	18	25
Sh.	5	12	19	26
Y.	6	13	20	27

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

## BOSH MUHARRIR MINBARI

Ўзбекилигин, Ўзбекистон аталмиш ватанга мансублигини ва Ўзбекистон фуқароси эканлигини ҳақида ўйлашнинг ўзи киши қалбини ифтихор туйғуси билан сарафроз этади.

Ўзбекча миллатпарварлик, юртпарварлик, ватанпарварлик туйғуси эса икки дарё бўлиши ва икки дарё орқалида ястаниб ётган муқаддас заминга мансубликни ва дахлдорликни англатади.

Оташнинг маърифатпарвар инсон Исмоилбек Гаспрали ўтган аср бошида, биз туркий халқлар қадим-қадимдан Мармар денгизидан Хитой деворигача ёйилган йирик бир тарихий этнографик бирлик ўлароқ яшаб келдик, деб ёзган эди. Бизнинг Ўзбекистонимиз ана шу тарихий birlikнинг марказида жойлашган. Ҳозир жўғрофий сўбат майдонида алоҳида ургу билан тилга олинган «Марказий Осиё» атамаси ҳам ана шу нисбатдан олинган.

Туркиянинг собиқ президенти, туркча ривожланиш моделининг асосчиларидан бири сифатида мамлакатнинг тараққиётига катта ҳисса қўшган ислохотчи сиёсатчилардан бири Тургут Узал Тошкентга келганида Исмоилбек Гаспралининг юқоридаги сўзларини такрорлаб туриб, менга ота юртни зиёрат қилишни насиб этган Аллоҳга шукроналар айтаман, деганида Ўзбекистон замини ва халқи зиммасига тушган ушбу тарихий-қадимий марказийлик миссиясини назарда тутган эди.

Юртимизни, нафақат юртимизни, балки ер юзининг етти иқлими-ни, шу жумладан, Москва Русини ҳам мўғул истибодидан халос этган Амир Темури Курагон халқимизнинг туркий халқлар олдидagi тарихий миссияси ҳақида шундай ёзган:

«Биз ким — мулки Турон, амири Туркистонимиз.  
Биз ким — миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи туркининг бош бўлишимиз».

Ўз тўзуқларида:  
«Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим, сайийдиларни, уламоларни, фузало ва машоихнига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга сўздорлар ва вази-фалар бериб, масоҳларини белгиладим» деб ёзган Амир Темури ҳеч қачон бошқа миллат ва элатларни ҳамситмаган. У «миллатларнинг энг улуғи» деганида ўз қавмининг сон жиҳатидан кўпчилигини назарда тутган эди.

Темурибек салтанатида кенг қулоч ёзган миллатлар ва элатлар аро ҳамжиҳатлик гоёси Алишер Навоий замонида ҳам давлатчи-лигимизнинг етакчи мафқураси бўлган:

«Агар бир қавм, гар юз, йўқси мингдир,  
Муайян турк улуси худ менингдир».

Амир Темури миллатни бирлаштириб, унинг истиқлол ва истиқбол йўлларини таъминлаган бўлса, Алишер Навоий миллатнинг, демокати, давлатнинг асосий белгиси, уст-қуртмаси ва негизи бўлмиш она тилимизнинг адабий тил сифатидаги ҳаётига салтанатбардорлик им-кониятини яратиб берди. Алишер Навоий ҳазратлари ўз навбатида она тилимиз унга, яъни ёзган асар-ларига олам аро машуру манзури

бўлиш имкониятини берганини ифтихор билан шундай ифода-лайди:

«Олибмен шахту фармонимга осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон».

Хуросон демаким,  
Шерозу Табриз,

# Ифтихор

Ки қилмиш най қилким шакаррез.  
Кўнгул бермиш сўзума турк, жон ҳам,  
Не ёлғиз турк, балки туркмон ҳам».

Миллатимизнинг бу икки даҳоси номини беҳижга эсламаямиз. Биринчидан, мустақиллик туфайли улар ҳақидаги бор ҳақиқатни ёзиш ва айтиш имкониятига эга бўлди.

Иккинчидан, истиқлол сабаб халқимиз қалбида миллат менталитетининг асоси бўлган ўз ватани, туғилиб ўсган тупроғи ва шу заминда етишиб чиққан улуғ кишилари билан фахрланиш туйғуси яна гуллаб-яшнамоқда.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон парламентининг қўшма мажлиси минбаридан: «давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-маъ-муни ва мақсади битта — у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфа-атидир» деб улуғ ифтихор билан баралла эълон қилди. Ун тўрт йил аввал бу ҳақда ҳатто хаёл қилиб ҳам бўлмас эди.

Лекин бу борада Марказий Осиё-да тинчлик ва оқсоқилликни сақ-лаш, халқимизда асрлар давомида шаклланган «қўшнинг тинч — сен тинч» нақлига амал қилиш устувор аҳамият касб этади.

Парламент минбаридан айтил-ган: «фуқаролик жамияти барпо этиш (тўхтатиб ва орқага кайтариб бўлмай-диган — таъдиқ бизники, А.А) кону-ний жараёнига айланган», деган хуло-сада ҳам халқимизнинг ўн тўрт йил ичда амалга оширган бунёдкорлик ишларидан фахрланиш туйғуси му-



Президент Ислам Каримов Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конфе-ренциядаги маърузасида: «Бизнинг тарихимизда Амир Темуридай улуг сиймо бор экан, унинг қол-дирган мероси, панду насихат-лари бутунги ҳаётимизга ҳам-ханг экан, олдимида турган бутунги муаммоларни ечишда бизга қўл келадиган экан, биз-нинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тартибқилмас-ликка ҳаққимиз йўқ», деб таъ-кидлаган эди.

Бу гаплардан кейин гоёят қисқа давр ичда мамлакат ҳаётини де-мократлаштириш ва либераллаш-тириш сари илгарига қараб яна ҳам катта қадамлар ташланаёт-ганининг тарихий асосланганли-гини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлаймиз.

Бироқ аниқ ижро механизми яра-тилмаса, унинг устидан кенг жамо-атчилик назорати ўрнатилмаса, ҳар қандай улуг гоёлар амалга ошмай, қозғода қолиб кетиши мумкин.

«Юртбошимиз ўз маърузасида «бо-шқариладиган демократия» ҳақида-ки сафсатларга ўрин қолдирмаслик учун ўзининг прагматик тамойили

лайди.

Алишер Навоий ҳазратларининг бутун ижодини том-том асарларга жо бўлган адолат гимни дейиши-миз мумкин. Дунёда ҳеч бир шоир Алишер Навоийчалик адолат ҳақида куйиб-ёниб қуйламаган. Буюк шо-ирнинг орзулари ўз даврида ва он-дан кейин нечоғлик амалга ошди деган баҳсдан тийилиб, бу ниятлар ҳам бизнинг давримизга ўтган экан десак, муболага бўлмас. Чунки мам-лакат президенти ўз маърузасида ижро ҳоқимияти ва суд ҳоқимияти-нинг адолат тамойиллари асосида ишлашни сиёсий партиялар, но-давлат нотижорат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари, ташаббускор-лик ҳаракати ва кенг жамоатчилик вужудга келтирадиган жамоатчилик назоратига топширмоқда. Ҳамда «Ўзбекистонда демократик янгила-нишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг гоёят мўҳим шарти» сифатида жамоатчилик назоратига муносиб минбар бўла оладиган ом-мавий ахборот воситаларини де-мократик андозалар асосида ри-вожлантиришни талаб этмоқда.

Ўз сўзини айта оладиган ва ай-тган сўзи учун жавоб бера оладиган журналист матбуотга берилаётган бу эркинлик масъулиятини яхши ту-шунади. Шундай шароитдагина «оёғи тўғрилик кўпригидан четга той-ган» (Алишер Навоий таъбири) ҳар қандай қози-ю ҳоқимият эгаси жа-моатчилик назорати таъсиридан ҳам, матбуотнинг ўткир кўзидан ҳам қочиб қутула олмайди. Оддий фуқа-ро-ю амалдорлар бирдай қонун ол-дида тенг бўлиб турган шароитда бундай даражага эришиш адолатга етишиш, ҳозирги замонавий шева билан айтганда ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қуришининг айни ўзидир.

Бўш қоп тик турмайди, албатта. Бундай кенг қўламли ишларни амал-га оширишнинг иқтисодий замини ҳам мустаҳкам бўлиши керак. Юр-тбошимизнинг парламент қўшма мажлисидаги маърузасида ўтган даврда мамлакатимиз иқтисодиё-тида эришилган ютуқлар ва вази-фалар атрофида таҳлил этиб бе-рилган. Уларни ўқиб, 1991 йилдаги қамини ҳамнаҳар элган бир тан-танали тадбирда айтилган сўзлар беҳиётиёр ёдга тушади.

Маълумки, 1991 йил мамлаката-мизда, Алишер Навоий йили деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан лойтахтимизнинг сўлим гўша-сида Алишер Навоий номли Ўзе-бекистон Миллий боғи барпо этилиб, унинг муаззам саҳнида Алишер Навоий ҳайкали қол ростлади. Пре-зидентимиз ушбу ишчиюнинг очи-лиш маросимидаги нутқидан шундай деган эди:

«Мустамлакачилик сиёсати осонлик билан жон бермайди... Шу сабабдан бутун халқимиз-ни доим бирдамликка, бир-би-рини ҳамнаҳас ва ҳамдард бўлишига чакирган улуг бобо-калонимиз олдида, келинлар, бир-биримизга сўз берайлик, Озодлик ва Истиқлол йўли-да, бу эъзу ниятларни ҳаёти-мизга амалли таъдиқ этишда бир жон, бир тан бўлайлик! Ҳеч қачон танлаган йўлимиздан қайтмайлик!».

(Давоми 3-бетда).

жассамлашган.

Биз яхши биламизки, ҳаёт ҳам, тараққиёт ҳам доимо олға юришни тақозо этади. Шунинг учун ушбу маъ-рузада қонуний жараёнининг бирин-чи мақсади шундай ифода этилган:

«Давлат қурилиши ва бошқ-аруви соҳасидаги энг муҳим ва-зифа — бу қонунчилик ҳоқимия-ти бўлиши мамлакат парламен-тининг роли ва таъсирини кучай-тириш, ҳоқимиятнинг қонунчи-лик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва бар-қарор мувозанатга эришишдан иборат».

Бунинг учун президент ваколат-ларининг бир қисмини сенатга ўтқа-зиш, қонунчилик палатаси ваколат-лари ва ҳуқуқларини кенгайтириш, Бош вазир ва умуман ҳуқуматнинг роли ва масъулиятини кучайтириш, суд ҳоқимиятининг мустақиллиги ва эркинчилигини мустаҳкамлашга қара-тилган аниқ, қонуний чора-тадбир-ларни амалга ошириш тақозо этила-ди.

МДҲга аъзо айрим ҳамдўстлик мамлакатларда демократия ва ли-берализм сиқувга олиниб, ҳоқимият яқша шах қўлида жамланаётган бир пайтда Ўзбекистонда бошқарувнинг бу таҳлит бўлишини тасодифий эмас.

Урта аср шароитида, ҳозирда де-мократиянинг отаси ҳисобланмиш ғарб мамлакатлари хали феодал дав-латчиликни қуриш билан машғул бўлиб турган даврда Амир Темури «Давлат ишларининг тўққиз улу-шини кенгайтириш, тадбир ва маша-рат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим» деб ёзган эди.

талабларидан келиб чиқиб, демок-ратияни амалда таъминлашнинг му-ҳим бўғини ҳисобланадиган «Ҳоқ-имиятнинг учинчи тармоғи — суд-хуқуқ тизимининг ислох қилиш ва янада либераллаштиришга ало-ҳида аҳамият берилиши», деган гоёни илгари сурди.

Судларнинг ваколатини кенгай-тириш, Жиноят кодексини янада ли-бераллаштириш ва жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган-лари ходимларининг масъулиятини кучайтириш каби муҳим тадбирлар-ни ўз ичига оладиган бу жараён мустақилликнинг иккинчи ўн йилли-да мамлакатимизда шу соҳада амалга оширилаётган катта ишлар-нинг узвий давоми ҳисобланади. Айни пайтда бу вазибаларнинг за-мирида ҳам тарихий асосланганлик-ни кўрамиз.

«Миллатнинг дардида дармон бўлмоқ вазибаларнинг, Зоиф-ларни қўриш, йўқсизларни бой-лар зулимига ташламоқ. Адолат ва озодлик — дастурининг, раҳ-барининг бўлиши», деган талабни кўйган эди авлодлари олдида Амир Темури ўз тўзуқларида.

Алишер Навоий ҳазратлари эса: «Қози қонун олдида бир қадам ҳам таймаслиги — тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим, Аҳир, тўғри чизик оғайрилса, эгри бўлади. Чолғу асбобининг турни созланганга бўлса, овози бўзлади. Модомки, ҳукми элнинг моли ва жонига таал-луқли экан, қозининг шнори тўғрилик ва адолат бўлмоғи ло-зим», дея адолатли бўлишга чор-

# СВОЖКК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**ТОШКЕНТ** шаҳридаги «Kamoliddin-savdo» ХК раҳбари Оксана Коломейченко, «Osyoagromi» МЧЖ раҳбари Амин Насимов, Азизбек Мадаминов ва Аваз Толиповлар ҳисоб рақамидаги пуллари нақдлаштириш мақсадида ўзаро келишиб, «Газ баллон» ускуналари учун 44.500.000 сўмини «Kamoliddin-savdo» ХК рақамидан «Osyoagromi» МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказишганлиги аниқланган. Шунингдек, фуқаро А.Мадаминов ўтказилган пуллар эвазига 10.350 АҚШ доллари ва 33.425.000 сўмини К.Рахимовдан олаётганида ушланган.

**ЖИЗЗАХ** вилоятидаги «Хилолап-плюс» КҚда ўтказилган текширишда корхона мансабдорлари улгуржи ва чакана савдо гувоҳномаларини қалбақлаштириб, тузган йилнинг декабрида 5.805.000.282 сўмлик пул айланмасини амалга оширганлиги аниқланган. Бундан ташқари корхона мансабдорлари бир неча ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари билан тил бириктириб, пул ўтказиш йўли билан олинган 5.180.700.700 сўмлик озиқ-овқат, қурилиш, ҳўжалик ва бошқа турдаги махсусотларни қайта сотиб, савдодан тушган пулни банкка топширмаган.

**УРГАНЧ** шаҳар судининг қарорига асосан Ш.Эшчановадан далилий ашё сифатида олинган пул маблағи давлат даромадига ўтказилганлиги аниқланган. Шунингдек, ушбу қарор Урганч шаҳар Суд ижро-чилари бўлимига ижро учун юборилган бўлса-да, суд ижро-чиси Вячеслав Нуранов давлатга ўтказилиши лозим бўлган 1.558.400 сўм ва 50 АҚШ долларини банкка топширмай, ўзлаштирган.

**ДЕНОВ** туманидаги «Равшан-21 асп» ХФга қарашли ошхона ишчиси Б.Тошбоев танишлари И.Ковалев ва Б.Норкуватовларга тегишли қўлбола усулда тайёрланган 173 донга «Денов» ароқларини фуқаро Б.Назаровга 148.700 сўмга сотатганида ушланган.

**ТАДБИРКОР** Р.Жатдоев Сергели туманининг 7-мавзесида «Кабел телевидениеси» пуллик хизматини кўрсатиб, хизмат учун олинган 49.241.500 сўмини банкка топширмаган.

**ТАШКИ** иктисодий фаолият миллий банкнинг Жиззах вилоят бўлимида ўтказилган текширишда бўлим мансабдорлари корхоналарнинг ҳисоб рақамига қўйилган инкасса топшириқномаларини бажармаганлиги аниқланган. Текширишда корхоналар ҳисоб рақамига келиб тушган жами 23.247.700 сўмини бюджет ва пенсия тўловларига ўтказмай, банкнинг ўз кредит маблағларини ёпиш учун 21.415.500 сўм, банк фозинини қоплаш учун 289.000 сўм ҳамда бошқа субъектларга 1.542.700 сўмини мақсадсиз йўналтиришгани аниқланган.

**«НУР Алмас Савдо»** фирмаси раҳбари Г.Қурбонова ва фирманинг бошқа мансабдорлари мазкур фирманинг банкдаги ҳисоб рақамига 10.880.000 сўм қўйилганлиги тўғрисидаги банк ҳужжатларини сохта-лаштирганлиги ва 54.560.000 сўмлик товар айланмасини амалга оширишиб, ДСИга ҳисобот топширмай, давлатга тўлашни лозим бўлган 1.203.300 сўмини тўламаганлиги аниқланган. Шунингдек, савдодан тушган 37.310.900 сўм пулни банкка топширмаган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши кўзга тилинган.

## FAOLIYATGA NAZAR

Фуқаролик ишлари бўйича судлар кўрган ишларнинг кўпчилигида прокурорлар қатнашиб, ҳал қилувчи қарорларни чиқаришда уларнинг фикри инобатга олинди. Апелляция, кассация тартибида кўрилган ишларда прокурор иштироки тўлиқ таъминланди. Суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш борасида вилоят суди раёсатига назорат тартибида 38 та протест киритилиб, тўла қаноатланганди.

Вилоят прокуратураси органлари ўтган йили жавобгарлардан

З.Нурматов, бўлим бошлиқлари М.Масидов, С.Холиқова, З.Бакирова, О.Омонбоевлар кўрсаткичларни сохталаштириб, давлат бюджетига етказган зарар тергов мобайнида тўлиқ қопланди. Суд айбдорларга тегишли жазо тайинланди.

Шунингдек, Хонобод шаҳридаги 2-қурилиш-монтаж АЖнинг мансабдорлари иш ҳајми ва материаллар сарфини ошириб кўрсатиб, маблағларни нақдлаштириш каби жиноятларга қўл уришган.

латини суиистеъмол қилаётган ҳолатлар аниқланапти. Хусусан, вилоят суд ижро-чилари бўлими катта нозир Б.Жабборов Андижон шаҳридаги «Гранд Фарнтур» дўкони мудири А.Каримовга арзонлаштирилган нарҳда ҳўжат тайёрлаб беришни ваъда қилиб, мусодара қилиниб сотилаётган 4.000.000 сўмликдан ортик велосипед эҳтиёт қисмларини И.Алимов ва Х.Мўминовларга 3.000.000 сўмга соттириб юборган. Дўкон мудиридан ўша пулни ўзига беришни талаб қил-

## AFSUS

«Йигит сўзим, кўзим очилди. Бундан кейин ишонччи албатта оқлайман». Ушбу сўзлар ёш бўлишига қарамай, уч марта жиноятга қўл урган ва темир панжара ортига маҳкум этилган Ҳамидулла Расуловнинг судда зорланиб қилган илтимоси эди. Афсуски...

## ЯХШИЛИК ЮҚМАГАН ЙГИТ

Эр йигитнинг лафзига ишонган суд хайъати ажрим чиқариб, Ҳамидулланинг ўталмай қолган 1 йил 6 ойдан ошмироқ жазо муддатидан авф этиб, шартли равишда озод қилишганди. Атиги 2-3 ой тенгқурлари орасида юрди. Аввалига зерикди, толиқди, кейин... ўзига яқин дилхаш излашга тушди.

Аминияси билан озодликка чиққан Азизбек Ҳасанов унинг «изтироб»ларини тушунган биринчи «мард» бўлиб чиқди. Ниятни бир қилган ҳамтоволар Қозоқовул қишлоғи яқинида «туңги операция» режасини обдон пишитиб олишди. Азизбекнинг мотоциклига мингашиб олган Ҳамидулла йўл кўрсатиб борарди. Зарафон тракти бўйлаб «Шавкий» кабристонининг шўндоқ ёнидаги хилват жойга етиб келишган, шу ерда ўткинчи машиналарни кузата бошлашди.

Навоий томондан яқинлашаётган «ЗИЛ» юк машинаси чиқоқларини пирпиратиб, илганидан ёнидан ўтиб кетди. Машина ўтиши билан ўт олдирилган мотоцикли унинг ортидан эргашди. Азизбек мотоциклини имкон қадар «объект»га яқинлаштираркан, Ҳамидулла қўлидаги лом билан ишга киришди. У юкюна қўлфини очган, ичкарига кириб картон қўтиларга жойланган юкларни мотоцикли кўзавасига ташлади. Ўлжалар қўлга киритилган, «молтопар» улов зулмат қаърига сингиб кетди. Вилоят «Дори-Дармон» ДАБга тегишли 2.649.931 сўмлик юк ўйриланди.

Аммо туңги қароқчиларнинг қувончи узоққа бормади. Кун ёришмай, ҳўкук-тартибот органларининг тезкор ходимлари томонидан қўлга олинди.

Хар иккаласи ҳам тегишли жазога тортилди.

Хотамжон ҲАСАНОВ, Каттақўрғон тумани прокурори

# Фуқаролик жамиятининг асосий шарти

Андижон вилоят прокуратураси ўтган йили фуқароларнинг ҳўқуқлари, давлат ва жамият манфаатини ҳимоя қилиш борасида сезиларли натижаларга эришди. Ҳўжалик ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судларда прокурор иштирокини таъминлаш, корхона, ташкилот ва фуқароларга етказилган зарарни ундириш салмоғи ортди. Йил давомида вилоят ҳўжалик судига жами 3.400.000.000 сўмлик даъво аризаси киритилиб, шундан 2.900.000.000 сўмлик қаноатланганди. Бу 2003 йилга нисбатан қарий 20 фоиз кўпдир.

Дастлабки терговда жамиятга улар етказган 38.600.000 сўм зарар вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб-рақамига тўла ундирилди. Йил мобайнида юқоридаги каби 90 та

Акс ҳолда жавобгарликка тортиш билан кўрқитиб, 200 доллар ва 3.800.000 сўмини олган. Б.Жабборов жиний ҳаракатларини давом эттириб, дўкон мудири А.Каримов ва омбор мудири Д.Абдусатторов билан тил бириктириб, давлат даромадига ўтказилиб сотувга чиқарилган 33.500.000 сўмлик велосипед эҳтиёт қисмларини И.Аминовга 11.700.000 сўмга соттириб юборган. Б.Жабборов ва шерикларига нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, судга ҳавола этилди. Юқоридаги каби жиноятларга қўл урган Андижон шаҳар суд ижро-чиси М.Мирзараҳимова, Избоскан туман суди ижро-чиси А.Сиддиқовлар ҳам жавобгарликка тортилди.

Ақсарият ҳолларда зарарнинг ўрнини қоплаган айбдорларга судлар озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлапти ва бу ўзини оқлайди. Зеро, нопок йўллар билан ортирилган мол-дунё вафо қилмаслиғига амин бўлганларнинг камдан-ками тақроран жиноятга қўл уради. Уларнинг қисмати теваарақдаги кишиларга қонунларга ҳўрмат ва итбот руҳини сингиб боришига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Анваржон ҚУРНОБОВ, Андижон вилоят прокурорининг ўринбосари

етказилган зарарни ундириш, фуқаро, корхона ва ташкилотларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш борасида зарурий чораларни кўришди. 2.612.876.000 сўмини ундириш юзасидан 2201 та даъво кўзга тилиб, суд муҳокамасига юборилди. Суд қаноатланганди даъволар бўйича 931.500.000 сўмини ундиришга эришилди.

Ваколатини суиистеъмол қилиш, биронинг мулкни ўзлаштириш ёки талон-тарож қилиш давлатга, корхона ва ташкилотларга нафакат моддий, балки маънавий зарар ҳам етказди. Одамларда фуқаролик жамиятининг асосий шарти бўлиши қонунларга ҳўрмат ва итбот кўникмаси шаклланишига салбий таъсир кўрсатди. Вилоят прокуратураси органлари бундай жиноятларни фоз этиб, жазонинг муқаррарлигини таъминлапти.

Вилоят статистика бошқармаси мансабдорларига нисбатан кўзга тилинган жиноят иши шу жумладандир. Бошқарма бошлиғи

жиноят иши кўзга тилиб, давлатга етказилган 3.800.000 сўмлик зарарнинг 3.000.000.000 сўмдан зиёдини айбдорлар дастлабки терговда тўладилар.

Суд қарорларининг сўзсиз ижро этилиши, зарарларнинг ундирилиши жиноят ёки ҳўқуқбузарликнинг олдини олиш воситаларидандир. Тахлиллар вилоятда ўтган йили аввалиги йилларга нисбатан ижро ҳўжатлари бўйича зарарни ундириш микдори ортганидан далолат беради. Суд ижро-чилари бу соҳада 53.000 дан зиёд ёки 85 фоиз ҳўжатларнинг ижро этилишига эришилди. 2003 йил бу кўрсаткич 64 фоиз эди ҳолос. Ўтган йили ижро ҳўжатлари асосида салкам 3.000.000 сўм ундирилди, бу ундирилиши лозим бўлган жами маблағнинг 90,2 фоизини ташкил этади. Юқоридаги рақамлар ижро-чилик зиммасидаги вазифани сидқиқидан адо этишга интилаётганини кўрсатади. Бирок гуруҳ курамасиз бўлмаганидек, айрим ижро-чилар вако-

## ILLAT

Республика Давлат Божхона кўмитаси матбуот хизмати маълум қилишича, Сурхондарё вилоят бошқармасининг 16-ҳаракатдаги божхона постига МХВ ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилган тезкор тадбир натижасида фуқаро Д.Ҳакимов «Москвич» автомашинасида 84 килограмм героин олиб кетаётганида қўлга олинди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, героиннинг бозор нархи қарий 3 миллион АҚШ долларини ташкил этаркан. Д.Ҳакимовнинг сўзларига қараганда юк уники эмас экан. Ҳўш, унда кимники? Героин қаерга етказилиши керак эди?

# ЯНГИ АСРНИНГ ЭСКИ ДАРДИ

«Махсусот»нинг ватани Афғонистон эканлиги сир эмас. Ушбу мамлакат наркотик моддалар етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Бу эса кейинги йилларда Марказий Осиё мамлакатларида ҳам нарқобизнеснинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, 2000 йилда Россия бозорларида наркотик моддаларнинг 60, АҚШда 35, дунё қора бозоридagi 75 фозини Афғонистон махсусоти ташкил қилган.

Илгари Афғонистонда тайёрланган наркотик моддалар Покистон-Эрон-Туркия оралиги ўтказилган бўлса, 1990 йилларга келиб нарқобизнес учун янги «коридор» — Марказий Осиё-Россия-Европа йўналиши пайдо бўлди.

Нарқобизнес билан шуғулланувчи кимсалар бойлик йўлида ҳеч нарсадан қайтмапти. Энг даҳшатлиси, бу офат терроризмнинг тегиригига сув қуяётир.

Нарқобизнесга қарши кураш дунё миқёсида давом этмоқда. Наркотик моддалар билан савдо қилиш ва олиб юришни таъқиловчи оғир жазолар қўлланилишига қарамай, бу иллат илдиэ отмоқда ва кўплаб кишиларни ўз домига тортмоқда. Эрон парламенти 1989 йилда 30 граммдан ортик героин ёки 5 кг дан

ортик опиум билан ушланган жиноятчиға ўлим жазоси қўлланиши тўғрисида қонун қабул қилган бўлса, Ўзбекистон ЖҚда нарқобизнес учун оғир жазолар белгиланган. Афғонистон ҳўкумати ҳам бу жараёнга томошабин бўлиб тургани йўқ. 2002 йил январда наркотик моддаларни ишлаб чиқаришни таъқиловчи қонун қабул қилди. Европа Иттифоқи эса бу ишлар учун мамлакатга 71 млн. АҚШ доллари ажратди. Бирок бу ҳаракатлар ҳозирча қўтилган натижани берамапти. Сабаби, наркотик моддаларни етиштириш ва тайёрлаш маҳаллий аҳолининг даромад манбаига айланган. 2003 йилги маълумотларга қараганда, Афғонистонда 400 дан ортик ноқонуний йўллар билан наркотик моддалар ишлаб чиқарувчи лабораториялар мавжуд. Бир сўз билан айтганда, нарқобизнеснинг «тегириги» ишлаб турибди. Бунинг учун дунё биргаликда курашмоғи лозим. Чўнки нарқобизнес глобал муаммага айланиб бўлган. Шундай экан, янги асрнинг эски дарди — гнёвхандликка қарши барча биргаликда курашиши керак.

Акмал АСРОПОВ, Республика прокуратураси бўлими прокурори

## QING'IR ISHNING QIYIG'I

# Менинг нафсим балодар

Қудрат Ражабовни барча ўз устида ишловчи, изланувчан мураббий сифатида билишарди. Аммо жамоа уни ўзи ишлаб турган 66-мактабга директор этиб сайлашгандан кейин ўзгариб қолди.

Ўқитувчиларнинг иш ҳақини вақтида ололмаётганини била туриб, тез-тез нафсига адашадиган, уларнинг манфаатини менсимайдиган қилиқ чиқарди.

Қ.Ражабов расмий ҳўжатларга сохта маълумотлар киритиб, уларни қалбақлаштириб, 2003 йилнинг декабрида туман ХТБ ҳисобхонасига топширади. Уларга мактабда ҳисобда бўлмаган фуқаро Р.Ҳошимовани шу даргоҳда 2003 йил сентябрдан ўқитувчи бўлиб ишляпти деб, ҳомилдорлик таътили учун 170.981 сўмини халқ таълими бўлими ҳазинасидан олиб, ўзлаштириб юборди.

Қинғир иш Қ.Ражабовни домига чорлайверди. Бу гал 2003 йил январ-март ойлари учун мактаб ўқитувчилари ва хизматчиларига ойлик иш ҳақи ва аван тўловини тарқатиш учун туман ХТБ ҳазинасидан 2.330.317 сўм пул олиб чиқди. Нар-бери қилиб 1.917.137 сўмини тарқатди-ю, қолганини ўз манфаати йўлида ишлятиб юборди.

Оқибатда атиги ўн ойлик фаолияти давомида қадрдон жамоасига 601.770 сўмлик моддий зарар етказган директорнинг қилиши қонун-ҳимоячилари томонидан ўрганилиб, унга нисбатан ЖКнинг тегишли қисми билан айб қўйилди.

Мамаюнус УМАРОВ, Хатирчи туман прокурори

# Ифтихор

(Давоми. Бошланғич 1-бета).

Мустақилликнинг дастлабки йилларида биз бошимиздан кечирган воқеалар халқимиз ҳам, ишбилшаримиз ҳам ўз аҳлида устувор турганлигини кўрсатади. Шунинг учун биз яшаётган ва биз етишган бу кунлар азиз ва муқаррамдир. Шунинг учун бундан ўн тўрт йил аввал Алишер Навоий ҳайкали пойида айтилган ушбу сўзлар бугун қароматдек янграса не ажаб:

**«Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган халқнинг келажги, албатта порлоқ бўлади. Ишонимизки, Ўзбекистонимиз тез орада дунё ҳамдўстлиги ўртасида ўзига муносиб ўринни эгаллайди, ишшооло, Ана ўшанда ҳам Алишер Навоийнинг кутлуг номи бизга модадоқор бўлади.»**

Ҳазрат Навоийнинг улғу руҳи абадул-абад бизга мададкор бўлиб юрсин деган ниятда улғу устозимизнинг муборак таваллуд кунига эълон қилинаётган ушбу битикларимиз Алишер Навоий газалига муҳаммас билан яқунлашга журъат этдик.

*Бир кун менга кўринар осмон қизил, сориғ, яшил,  
Юрагимда уринар дoston қизил, сориғ, яшил,  
Суратини жойлашим жасдон қизил, сориғ, яшил,  
Хилъатин то айлашим жонон қизил, сориғ, яшил,  
Шувлаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.*

*Висол боғи чаман-чаман дил озоҳдин,  
Мисли деҳқон кўнгли яшнаб қалин бошоқдин,  
Расан айлаб мудоаосин тўлиғин моҳдин,  
Гулаш эттим ишқ саҳосин самуми оҳдин,  
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориғ, яшил.*

*Неча бoғ тузалайдур ҳар кун ишқинг отидин,  
Зор бўлур вола қизгай лағин бир имдодидин,  
Саҳрода чечак унаёй ниҳонин хур байтидин,  
Шашадек қўнғимдадур гўлзори хусунг ёйдин,  
Тобадонинг аксидек алаюн қизил, сориғ, яшил.*

*Изинга бош урган соч сунбул мисолидин эзур,  
Чарақлаган жамолнинг баҳор жамолидин эзур,  
Муаттар бу саболар василин жамолидин эзур,  
Ораду холинг йила хаттинг хайлидин эзур,  
Кўзларимнинг оллида даврон қизил, сориғ, яшил.*

*Камалик кучоқ оса тоғлардан ошган чашмада,  
Нозин сабо айлаб поёндозин—ғамзадан—  
Қилар бағрин ёндирган эй лозавор, эй гузабанд!  
Лилалун май тутқил олтин жом бирла сабада  
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориғ, яшил.*

*Тاخت аро уатомлик хунҳордур беҳад валеқ,  
Бахт аро дитанглик бекордур беҳад валеқ,  
Нарх аро дурранглик зинҳордур беҳад валеқ,  
Факр аро бирранглик дувшор эзур беҳад, валеқ  
Хирқада тикмақ эзур осон қизил, сориғ, яшил.*

*Бу бoғда ранглар хил-хил, сен рангисиз тумор истама,  
Турфа гул кўрк талашар, ранпари дилдор истама,  
Шоғирим, бағрингда гул, ул гули бедор истама,  
Эй Навоий, олтини шингарфу зангор истама,  
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил.*

## ТАҲРИВА

27-29 январ кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Европа ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ташаббуси билан прокуратура органлари ходимлари учун «Касб одоби» мавзусида тренинг ўтказилди.

Тренингда АҚШ прокуратурасининг департаменти, Россия Федерацияси юристлари қатнашди.

Анжуманда Бош прокуратуранинг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази ходимла-

ри тарбияланди. Врач беморга тиббий ёрдам кўрсатади, унинг дардини ҳисқилади. Қонун устуворлигини таъминлашга масъул бўлган прокурор инсон тақдирини, жамият ва давлат манфаатларини қалбдан идрок этади. Бугун у нафақат қонун ҳимоячиси, балки энг аввало, адолатли, инсонпарвар, ҳалол, ва албатта, одобли бўлиши кераклиги барчага аён. Уни ўстириб, воёга етказган халқ ҳам ундан шуни талаб қилади. Яъни, прокурор ҳам бошқа мансабдор шахслар каби халққа хизмат қилиши лозим.

Шу маънода, жуда қизқаркли ва дол-

ётган ишлар, шунингдек, прокурорларнинг давлат, жамият, суд ва суд ишчи-рокчилари олдидagi одоб мажбуриятлари ҳақида ўзаро фикр алмашилди. Ушбу учрашув иштирокчиларга келажакда ортиргани биллиларни амалиётга татбиқ этишга кенг имконият яратди.

**Олим Мустанов, прокуратура органларини терговни назорат қилиш бошқармаси катта прокурори:**

— Бундай анжуманларнинг ўтказилишини жуда фойдали деб ҳисоблайман, чунки биз АҚШ ва Россия давлат-

# САМАРАЛИ ТРЕНИНГ

ри, Бош прокуратура ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, Ўзбекистон ҳарбий ва транспорт прокуратураларининг масъул ходимлари иштирок эттиди.

Мамлакатимизда юз бераётган демократик ислохотлар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларнинг асосий мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқаришдан иборатдир.

Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига катта вазифалар юклатилган. Жумладан прокуратура органлари ходимларининг асосий ҳуқуқ ва бурчлари «Прокуратура тўғрисида»ги қонун, республика Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари ва тарихий тармоқлар тўғрисидаги низомларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ушбу ваколатларни амалга оширишда ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, ахлоқий фазилатлари муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, жамият ҳаёти нафақат қонунлар, балки урф-одат ва ахлоқ-одоб нормалари билан ҳам тартибга солинади. Бу борада халқимизнинг миғз асрлар мобайнида шаклланган катта таърибиас бор. Ота-онани ҳамда катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга иззатда бўлиш, хушмуомалалик, тўғрисиқлик, адолатпарварлик, юртга садоқатли бўлиш, меҳнатсеварлик, оҳижаларга ёрдам кўрсатиш, саҳийлик каби инсоний фазилатлар вужудимизга она сути билан кирган. Ёшлиқдан бошқаларга ҳурмат билан қараш, жамиятда юриш-туриш қоидаларига риоя қилишга одатланганмиз.

Аммо жамиятда ҳар бир касб эгасининг ҳам ўзига хос ахлоқ-одоб қоидалари борки, уларсиз кишилик фаолиятини тасаввур этиш қийин. Мактабда ўқитувчи болага бийм беради, ўз ахлоқи билан

зарб масалаларни ўз ичига олган тренинг яна бир бор прокурорлик фаолияти учун уларнинг аҳамияти нечоғли муҳим эканлигини кўрсатади.

**Эркин Абзалов, ўқув маркази директори:**

—Тренинг икки қисмдан иборат бўлди, таълимнинг янги услубларини ўргатиш билан бирга, юристларнинг касбий одоби масалаларини ҳам қизгин муҳокама қилинди. Россиялик мутахассислар томонидан прокурорларни ўқитишнинг янги услубларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, кичик гуруҳларда ишлаш, ақлий ҳужум, роль ўйинлари, материални фаол тарзда етказиш каби услубларга катта қизиқиш билдирилди. Судларда давлат айбловини қуватлаш масалалари бўйича машқлар ечилди. АҚШ, Россия ва Ўзбекистон юристларининг касбий одобидаги ўхшашлик ва фарқлар кенг мушоҳадаларга сабаб бўлди. Энг муҳими, ҳамкасбаримиз ходимларимизнинг билими, тажрибаси ва фаоллигини эътироф этдилар.

**Алишер Очиллов, кадрлар бошқармаси прокурори:**

— Касб одоби прокуратура ходими учун муҳим аҳамиятга эгадир. Кадрларни танлаш ва таъинлашда, албатта, уларнинг ахлоқи, жамоадаги обрўси ва бошқа инсоний фазилатлари инобатга олинади. Прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда бу мезон ўзини намойён этади. Шу маънода бугунги тренинг ҳамма учун жуда фойдали бўлди, десам янглишмайман.

**Бахтиёр Самугов, судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси прокурори:**

— Анжуманда ҳуқуқ соҳасида АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида амалга оширила-

ларидан келган ҳамкасбаримиздан улардаги прокурор этикаси, тергов ва суд амалиётларини ўрганиб, ўзимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти билан таққослаб, фаолиятимизда янгиликларни татбиқ этишимиз учун муҳим омили бўлди.

**Нилуфур Мирҳамедова, ўқув маркази ходими:**

— Россиялик ўқитувчилар ўз тажрибалари билан ўртқоқлашди. Тингловчилар билан кичик гуруҳларда ишлаш, материални интерактив тақдим этиш усули билан таништирилди. Семинар иштирокчиларига услубий тавсияномалар тарқатилди ҳамда яна бир қатор семинарлар ўтказиш ниятини билдиришди.

Тренинг чоғида турли ҳолатларда қонунлар ва ахлоқ нормаларини бузган фуқароларнинг қилмишларига баҳо бериш тўғрисидаги машқларни ечишда ҳам прокуратура ходимлари ўзларининг чўқур билими, тажрибаси, энг муҳими, инсоний фазилатларини намойён этишди. Ахир айбисиз оданин жавобгарликка тортиш, унинг қилмишини ҳуқуқий жиҳатдан нотўғри малакалар давлат хизматини томонидан фуқарога нисбатан қилинган тўхмат эмас-ми? Врач беморга ташхис қўйишда адашса, унинг ҳаёти хавф остида қолишини изоҳлашга ҳоҳат йўқ. Прокурор адашса, инсон тақдирини барбод бўлиши аён. Буларнинг ҳаммаси нафақат қонунбузилиши, балки гуноҳ эканлигини ҳам ёдда туттишимиз лозим. Зеро, инсон муқаддасдир, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари қадрлидир.

**Мухтор ШОДМОНОВ,**

**Бош прокуратуранинг ташкилий назорат ва таҳлилот бошқармаси бошлигининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси**

## 2005-ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аввало ҳар бир инсон соғлигини муҳофаза қилишга кўмак беради. Соғлом кишигина оиласи, фарзандлари, юртининг эртасини ўйлайди, уҳақдақай-гуради. Танасида дарди бор инсонни юриш-туришдан, юзидан илғаш қийин эмас. Дардининг ҳаммаси ҳам дарди, у инсоннинг умидини ўғирлаб, ҳаётини емиради. Бу ўткинчи дунёда инсон саломатлигиндан ҳам буюроқ неъмат йўқ. Соғлиқ бўлмаса, бойликнинг ҳам, қимматбаҳо матонинг ҳам бир пуллик қадри йўқ. Касални даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул дейди халқимиз. Жаннат-мақон юртимизнинг танга даво, баҳаво жойлари бисёр. Касаба уюшмалари ёрдами билан маъзур жойларда имтиёзли дав олиш ҳам мумкин. Қўйидаги мисол билан фикримизга оиднилик киритайлик. Ўзбекистон Касаба уюшмалар федерацияси қошидаги курортлар бошқармаси таркибида 19 та санаторий-курортлар мавжуд. Ҳар йили ана шу дам олиш масканлари хизматидан ўртача 40-45 миң киши фойдаланапти. Ҳисоблаб кўринг-чи, бу кўрсаткич 25 миллионли мам-

лакат аҳолисининг неча фоизини ташкил этаркан.

Энди саломатлигимизни нафақат ўзимиз уйлаймиз, балки унга давлат даража-

нинг бу таърибасидан ҳар қандай ривожланган мамлакат ўрнак олса арзийди, — дейди россиялик сиёсатшунос Евгений Санников.

# Саломатлик — туман бойлик



Вазирлар Маҳкамасининг «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарорида жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли оёламатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодини тарбиялаш, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шугулланишига кенг жалб этилишини таъминлаш вазифалари белгиланган.

Давлат дастурида шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болалиқни муҳофаза этиш, қишлоқ жойларида яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги билими ва маданиятини ошириш, гиёҳвандликка, чекишга қарши кураш, пенсияерлар ва ногиронлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш, тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш каби эзгу ишларни амалга ошириш қайд этилган. Давлат дастуридаги тадбирларни амалга ошириш учун сарфланадиган бюджет маблағларининг аниқ

манбалари кўрсатилган. Дастурда ҳомийлар, донорлар ҳамда халқаро ташкилотлар маблағларидан ҳам фойдаланиш кўзда тутилган. Жорий

йилда бир неча миң пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийлари, шунингдек ногиронларнинг дам олиб соғлигини тиклаши учун бөлбў йўлланмалар ажратилади. Бир смеданада 10.500 беморни қабул қиладиغان амбулатория поликлиника мурассасалари, 210 та қишлоқ врачлик пунктини ишга тушириш, тез тиббий хизмат кўрсатиш бўлиmlарини 209 та санитария автотранспорти билан таъминлаш белгиланган.

Спорт оммавийлигини таъминлаш мақсадида ҳамдўстлик давлатлари ичиде энг кўп ишлар мамлакатимизда амалга ошириляпти дейишга тўла асос бор. Спортни ривожлантириш, янги спорт мажмуаларини қуриш ҳам дастур йўналишининг асосини ташкил этади. Шунингдек, аҳолининг спорт билан бир вақтда дам олишларини ташкил этиш мақсадида республикамизнинг бир қатор худудлариде саломатлик боғларини барпо этиш кўзда тутилган. Комплекс тарзда барпо этиладиган бундай гушалар оилавий хордиқ чиқариш маскан-

лари бўлиб ҳам хизмат қилади.

Қонунларни замон талаби даражасида янгилаб ва мукамаллаштириб бориш иктимойий ҳаётда муҳим аҳамият касб этади. Замондан ортда қолган қонунларнинг таъсир кучи кам бўлади. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида «Дори-дармонлар ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киришти тўғрисида тақлифлар тайёрлаш, «Тиббиёт фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифалари ҳам белгиланган. Маълумки, организмда йод моддаси етишмаслиги турли касалликларни келтириб чиқаради. Шу мақсадда таркибиде йод бор маҳсулотлар турини қўнайитириш борасида олимиларимиз изланишмоқда. Ҳозир ун таркибига ҳам йод қўшимши тажрибаси ўрганиляпти. Ҳуқуматимиз бу масаланинг долзарблигини эътиборга олиб, тегишли вазирликларга жорий йилининг иккинчи чорагида «Ўзбекистонда йод етишмаслиги касаллиқларининг олдини олиш» дастурини ишлаб чиқиш вазифасини топширган. Дастурга бинаоан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни қўжайитиришга маҳаллий ва давлат бюджетиде маблағлари йўналтириляпти.

Бир сўз билан айтганда, дастурнинг барча йўналишлари ана шу оддий хайрли мақсадга хизмат қилади. Эзгу мақсаднинг ижроси ўз навабатида халқимизнинг саломатлигини, эртанин кунга бўлган ишончини мустаҳкамляпти.

Тоҳир САЙДБОБОВ



МУАММО

**Ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошқора, адолатли тарзда ва қатъий танлов, тендер асосида ўтказилиши жуда муҳимдир. Бунда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва порохўрлик ҳолларига кескин барҳам бериш лозим.**

Ислоҳ **КАРИМОВ**,  
(Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан).

Янги 2005 йилдан ширкат хўжалиги ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилиши муносабати билан туманда тендер ўтказилди. Ҳали тендер бошланмасдан ҳафта-ўн кун олдин ким голиб бўлиши ҳақида овоза тарқалди. Ҳар қандай миш-мишу овозаларга ишонмасдан тендерда мен ҳам қатнашдим. Аммо илгаридан овоза-заси тарқалган Ориф Рашидов тендер голиби деб топилди, тендер комиссияси тоғиб Нодир Беков 15 қорамолмини, савдо дўконини ва тракторини инотбага олмай, рўйхатга киритма-

лаган, маблағ сарфлаган ерни турли йўллар билан тортиб олиш инсофданими? Тендер дегани таниш-билишга имкон, бегонага тузоқми?

Ўтган йили ер эгасиз, қаровсиз қолиб, чигит экиш ортага сурилган бир пайтда талабгорларнинг қўлидан ҳеч бир иш келмади-ку? Бугун ер оби-тоғига келиб, ҳосил олиш имконини аниқ бўлиб қолганда, тайёрга айёр кўпайиб, биз кўйиб қолишимиз керакми? Агар 19 гектар ерни уddалай олмасак, техникамиз бўлмаса, унда ерни бошқа би-

Бригадининг 22 азғиси ва мен туман ҳокимига ариза билан мурожаат этдик. Отам, акам ва қишлоқнинг ёши улуг оқсоқоллари ҳокимга вазиятни тўғри тушуштиришга ҳаракат қилишди. Аммо мутасаддилар бизни эшитишни ҳам истамади.

Майли, ҳозирча мени ҳеч ким эшитмас, аммо жамоамга, қишлоғим аҳлига, қолаверса, туман хўжалиқларига оз бўлса-да нафим тегаётганидан хурсандман. Ўттиз ёшдан ошдим, юрагимда ҳали орзу, режаларим кўп. Эл билан бамаслаҳат, уларнинг ва

# Тендер... тадбиркорга имконми ё ўйин?

## ЁХУД ГОЛИБ ЧИҚИШНИНГ ШОФИРКОНЧА УСУЛИ

ди. Бундан ташқари «Шофиркон» ширкат хўжалиги мендан 1.200.000., «Бобур» ширкат хўжалиги 2.000.000 сум, Нурмат Ҳамро номидаги ширкат хўжалиги 1.050.000 сум қарз. Хўжалиқлар зарур пайти мендан насияга олган молларининг ҳақини ҳалигача тўлолмаётганлар.

Йиллар давомида ипак курти боқиш оиламиз анъанасига айланган қолган. Ўтган йили ширкат хўжалигига ёрдам тариқасида ипак курти уругини жонлантириб берганим учун Н.Нарзиев менга астойдил миннатдорчилик билдирган эди.

Расмиятчилик учун номигагина тендер ўтказилгандан норозииман. Тендер комиссияси раиси ўшанда мени секин четга тортди, О.Рашидов юқоридан танланган номзод, сен қатнашиб овора бўлма, деганида кўнмагандим. Кимнингдир ҳомиёлигига голиб бўлган О.Рашидовга 1500 гектар яйлов берилган, ўзи яшаб турган 6-бригадининг ярим ери ҳам уники. Бундан ташқари жамоа хўжалигининг фермаси ҳам унга тегишли. Йиллар давомида бир парча ерга кўз тикиб, шунинг ортдан бола-чақа боқаётган ўнлаб оилаларнинг истагига қарши бориб, биров яши ниятда иш бош-

роғва бериш мумкин. Ўнлаб оилалар ана шу 19 гектар ерга кўз тикиб турган бир пайтда, бунақа тендер ўтказишнинг нима кераги бор?

Соёиб СССР даврида «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун!» деган сохта, оммани қалғитувчи шор бўларди. Айни пайтда Шофирконда ўтаётган тендер натижаларини кузатган киши туманда ушбу ширкатнинг «ҳамма бир киши учун» деган қисмига амал қилинмоқда, деган хулосага келади. Йўқса, бировга минглаб гектар ер, мол-мулк, яна раҳбарларнинг ҳомиёлиги — қўллаб-қувватлаш бўлса-ю, бошқаларга алдовга ўралган қуруқ ваъдами?

ўзимнинг манфаатим учун бошлаган ишимдан қайтмоқчи эмасман. Тадбиркорликнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор, чидашга тўғри келади. Лекин ишончим комилки, юртбошимиз томонидан бутун мамлакатимиз манфаати ва келажагини ўйлаб имзоланган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун менингдек энди иш бошлаган фуқароларни ҳам четлаб ўтмайди. Мамлакатимизда қонун устуворлиги учун жиддий ислохотлар бошланган бир пайтда, бундай зиддиклар вақтида ҳал этилади, қонуний ечимни топади деган умиддаман.

Шавкат **АДИЗОВ**,  
Шофиркон тумани

### ТАХРИРИЯТДАН:

Шофирконлик Ш.Адизовнинг юқоридаги шикоятни нашрга тайёрланаётган бир пайтда тахририятга ҳудди шу мазмунда яна бир шикоят келиб тушди. Энг қизиғи, бу хат ҳам Шофиркон туманидан. Туманининг «Жўйрабод» қишлоқ фуқаролар йиғини Қўлхорун қишлоғида яшовчи Пўлат Мирзаев ҳам тендерда ноҳолисликка йўл қўйилганлигидан нолиб, жумладан, шундай ёзади: «2004 йил 9 январь кўни ўтказилган танловда тендер комиссияси таркибидagi 29 нафар шахсдан атғи 7 нафари қатнашиб, рақибим голиб бўлди».

П.Мирзаевнинг ушбу даъволарига масъул идоралар тегишли жавоб берар. Бироқ «тендер» дегани ҳар қандай шубҳа-гумонларга ўрин қолдирмайдиган танлов усулига айланиши керак.

Туғилиб, эсимни таниганимдан буён кўзим отамнинг айвонининг тўрида ярақлатиб артилган катта кетмони-ю бир жуфт резин этигига тушади. Жўжабидай оиламизни суяб, ўн нафар болани ўз йўлимизга йўналтирган отам Нурмурод Адизовнинг ана шу меҳнат кўроллари бир учун ҳамиша қадрли. Отам ўн беш ёшларидан (узлуксиз қирқ беш йил) далада ер текислаб, шўр ювиб, чигит экиб, деҳқон деган касбни ҳалол уddалаб бировдан кам бўлмади. Ҳаётда у киши кўрган мактаб — дала-ю пахта, олган сабоқлари — меҳнат. Биз ака-укаларнинг ҳам бир зум бўлсин қўлимизни ишдан айирмади, бекорчиликдан узок тутди.

Болалигимдан ота-онамга нафим тегсин, рўзғорга ёрдам бўлар деган ниятда кўй, қорамол боқдим, янтоқ чопдим, хуллас, тиним билмадим. Кейинроқ Шофиркон туман марказидан жой олиб, аҳолига қурилиш, хўжалик молларини етказиб берадиган дўкон, ошхона қўрдим. Президентимиз Ислоҳ Каримов тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагач, бир ғайратимга ўн ғайрат қўшилиб, янги-янги режа ва орзу-умидлар билан ишлай бошладим.

Шундоқ ёнгинамизда деворлари нураб, синфхоналари ярқосиз ҳолга тушиб қолган мактабимизга кўзим тушганида: «Агар пулим кўпайса, албатта мактабни таъмирлаб, янги синфхоналар қуришга ҳиссамни қўшаман. Фарзандларимиз замонавий, ёруғ хоналарда ўқишга муносиб» деб қатъий аҳд қилдим. Шу кунлардан хотира сифатида эски мактабнинг суратини олдириб қўйдим. Чунки орзуга айб йўқ, янги ният янги-да, бир қадам бўлсин кишини олдинга ундайди.

Ўтган йили 5 январда «Шофиркон» ширкат хўжалиги раиси Нурулло Нарзиев бошчилигида бош агроном, раис муовини, ер тузувчи ва иқтисодчилар иштирокида қишлоқ аҳли (8-бригада аъзолари)ни йиғиб, ҳисобот мажлиси ўтказилди. Асосий муаммо — қисқа муддатда ерларни текислаш, чел олиш ва шўр ювишни бошлашдан иборат эди.

Бригада аъзолари раисга иш ҳақимизни бермасангиз ишларимиз деган талабни қўйишди.

Бу масалани ҳал этиш қийин кечди. Шунда раис Н.Нарзиев мавжуд 40 гектар ерни икки звеного бўлиб, бирига М.Норовни, иккинчисига В.Шукуровни бошлиқ этиб тайинлади.

Янги тайинланган звено бошлиқлари аъзоларга ҳар ой вақтида иш ҳақи тўлашга ваъда бердилар. Аммо орадан икки ой ўтди ҳамки, улар тайинли иш қилишолмади. Яна норозилик, маош талаб қилиш бошланди. Феврал ойи охирида ер экилмай қолиши аниқ бўлгач, ширкат хўжалиги раиси қайта мажлис ўтказди. Бригада аъзолари яна ҳақларини талаб қилиб, қуруқ ваъда-ю ёлгон билан оила боқиш, ишлаш мумкин эмаслигини қайта-қайта уқтиришди. Ўша пайтда бунинг сира иложи йўқ, ерга трактор олиб кириш, ёнигли, дизел мойи, сувчиларга резин этик каби қўллаб-нарсалар зарур эди. Муҳими, совуқда лой кечиб ишлайдиган деҳқонларнинг юрагига йўл топши, меҳнатини қадрлаш керак эди. Бундай маъсулятини ким бўйнига олади, ойлаб-йиллаб маошсиз ишлайдиган опа-сингил, ака-укаларимизни ишлайверинглр, бир кун ҳақларини оласанлар деб яна ким ишонтира олади?

Нурулло Нарзиев ва аъзолар билан маслаҳатлашиб, улар билан ишлашга қарор қилдим. Хўжалик раиси сўнги йиғилишда мени иш бошқарувчи деб эълон қилди. Биринчи галда аъзоларга иш ҳақи тўлаш, зудлик билан дала ишларини меъёрига келтиришни зиммамга олдим. Дастлаб 39 аъзога ведомост орқали бир ойлик маош — нақд пул берилди. Тракторларга ёнигли, дизел мойи, сувчиларга резин этик каби зарур нарсалар олдик. Жами 627.800 сум маблағ сарфланди.

Ишлар юришиб, ер меъёрига келгач, раисимиз сўзларидан қайтиб мени иш бошқарувчидан олиб, бошқа кишини бригадир этиб тайинлади. Қирқ гектар ер уч ой ичда қўлдан қўлга (4 кишига) ўтди.

### МАЛАКАЛИ TERGOVDAN NAMUNALAR

У қўрағи, елкаси ва иягига пичоқ санчилганлиги оқибатида вафот этганди. Атрофни синчиклаб кўздан кечирдик. Боши берк тор кўчага эски велосипед ташлаб кетилганди. Жиноят қуроли — пичоқ асфальт йўлдан олинди. Маҳалла аҳлидан суриштириш жараёнида фуқаро М.Остонақул ховлисининг орқасидан қўй ўтган зовурга номаълум шахс ташлаб кетган буюмларни тақдим этди. Улар орасидаги чарм сумка ичидagi қичқич сумкача, икки дона арқон марҳумга

**Тезкор-тергов гуруҳи билан воқеа жойи — Ултарма қишлоғининг саноат моллари бозори тарафидаги тор кўчага етиб бордик. Ариқ устидаги кўприкда қонга беланган мурда ётарди. Уни биринчи бўлиб кўрган З.Тожиёвнинг айтишича, у кўприкдан ариққа осилиб турган бошни кўприк устига олиб қўйган. Қотиллик қурбони қишлоқда ҳамма яхши танийдиган ва ҳурмат қиладиган кассоб — Усмонали Эшонқуллов эди.**

## «КЎКЙЎТЛАЛЛАР ОРАСИДАН ҚИДИРИНГ»

тегишли эди. Яримдан кўп ичилган бир «баклашка» совуқ чой, енгсиз камзул, спорт костюми афтидан қотилники бўлиб, қочаётганида тираб, ечиб ташлаб кетган бўлиши эҳтимолдан холи эмасди. Ушбу ашёвий далиллар қотилнинг шахсини аниқлашда муҳим аҳамият касб этди. Марҳум У.Эшонқулловнинг ўғлининг таъхидида шундай 2004 йил 7 май куни эрталаб отаси билан Ултарма мол бозорига чиқишган. 240.000 сумга битта мол сотиб олинган. У молни уйига етказиб кетган. Отасининг сумкасида яна 90.000 сум пули бўлган. Марҳумнинг хотини З.Эшонқуллова ўша кўни эрталаб соат

бешларда ховлини супураётганида томорқа тарафдаги йўлакдан нотаъин бир одам катта кўчага чиқиб кетганини эслади. «Новча, өзгич, оғзи ва иягини ёқаси билан тўсиб олган, қўйида сарик нарсасга кўзим тушди. «Ҳеч кимга индаман» деб ёнимдан ўтиб кетди. Қўрқиб кетдим. Кейин ортидан қараб, «товуқ ўғриси»га ўхшайди» деган ҳаёлга бордим».

Қотил илгарти сулданиб, жазони ўтаб келган бўлиши мумкин эди. Қолаверса, ташлаб кетган қийимлари, терлаши, өзгични тўсиб юришига қараганда кўйкўтал, сил касаллигига чалинганлардан бўлиши ҳам эҳтимол-

дан холи эмасди. Бу холатга врачлар аниқлик киритишди. Бундай бемор камунават, тезча-қайди. Одатда идишда сув ёки совуқ чой олиб юради. Воқеа жойидан топилган «баклашка» ана шундай дардмандга тегишли бўлиши мумкин. Туман прокурори М.Фозилов қотилини айнан сил касаллигига чалинганлар орасидан қидириш кераклигини уқтирди. Касалхонада ётиб диволанган беморлар орасида 28 ёшли Шерзод Сатторов эътиборни тортди. У воқеадан икки кун аввал касалхонадан чиққан, илгарти боқинчилик, ўғриллик жиноятларини содир этиб судланган, ҳозир ҳеч қаерда

SUD OCHERKI

Ўтган йилнинг 5 майида Тошкентнинг Қорақамий даҳасидан оқиб ўтувчи Қичкириқсув дарёсидан одам жасади қолдиқларининг топилиши ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини оёққа турғизди, жиноят иши кўзга тилиб, тезкор тадбирлар бошлаб юборилди. Ўтказилган дастлабки тиббий экспертиза ушбу номаълум шахс оғир жароҳатлар оқибатида вафот этгани ва кейин ёндириб юборилганини тасдиқлади. Демак, қотиллик содир этилган ва жиноятчилар изни йўқотиш учун жасадини ёқиб сўнг дарёга ташлаб юборишган деган тахмин буйича иш юритишга асос бор эди.

Ҳуқуқ-тартибот органлари зиммасидаги дастлабки вазифа марҳумнинг шахсини аниқлашдан иборат эди. Бироқ ҳадеганда қалаванинг учи топилавермади. Беदारак йўқолганларга тегишли белгилар мош тусмасди, қолаверса, яқин кунлар ичида ҳеч қим яқинларини қидириб милицияга мурожаат қилмаган. Аҳоли орасида тарқалган миш-мишларнинг эса одатдагидай тергов учун ҳеч қандай нафи йўқ эди.

Майнинг сўлим оқшомида, аниқроғи, 4 май тунисида Виолетта собиқ эри Андрейни телефонда йўқлаб қолди:

— Эртага бир келиб кет, сенда гапим бор.  
— Тинчликми? — деди алақачон бошқа оила куриб ўзи билан андармон бўлиб кетган Андрей малол келганини ашириб ўтирмай.  
— Келавер, кейин биласан, — Виолетта анчадан буён тузиб юрган режасини телефонда гапиришни истамасди.  
— Яна пулни? — бу билан Андрей кизи Каринани деб унга бериб турган ёрдамни писанда қилган бўлди.

— Гап қизингнинг тақдирини ҳақида кетаяпти, қалаварама. Келасанми-йўқми?  
— Эртага чоршанба, бўпти, кундузи вақт топиб ўтарман...  
Эртаси кун Виолеттаникига кириб келганида Андрей одатдагидай ширақай бўлиб олган эди. Сал ўтмай, унинг ортидан Нурулла — Виолеттанинг «ҳамхонаси» ҳам кириб келди.

Бу пайтда умуман бошқа бир оила бошлиғи Акбар ака (айрим ислар ўзгартириб берилмоқда), ўғли Ботир ва кўшниси Зокир ака баллж овига отланган эди. Катталар овга «шўнгиб» кетган бир пайтда Ботир зерикганини баҳона қилиб жўнаб қолди.

ишламасди. Асли яйпанлик бўлиб, Бувайда туманининг Оққўрғон қишлоғида яшарди. Ш. Сатторов билан битта палатада ётган беморлар унинг кийиниши, юриш-туришини таърифлашди. Воқеа жойидан топилган кийимлар айнан унга тегишли эканига шубҳа қолмади.  
Тумондан унинг тарзиде сўрққилинган Шерзод аввалига ўзини қўйи оғзидан чўп олганга, тавба-тазарру қилгандай кўрсатди. Лекин тергов мобайнида топилган ашёвий далиллар, чўнчи, «бақлашча» дағи чой, енгисиз қамзул, спорт кийими айнан унга тегишли эканлиги касалхонада у билан бирга ётган беморлар кўрсатмаси билан тасдиқланган, қилмишига ижрор бўлди.

— Қамқода орттирганим — қўйиўтал кийнаворди. Дорига пулим йўқ эди. Молбозорга одамлар катта пул билан келиб, катта пул билан чиқибди. Биронтасини қўрқитиб, пулини тортиб олишни мўлжалладим...

Ш. Сатторов ана шу мақсадда 2004 йил 4 майдан 5 майга ўтар кечаси Бувайда туманида шовчи М. Олтиевнинг ҳовлисига кириб, айвон устигига суяб қўйилган велосипедни ўғирлаб чиқиб кетди. Велосипед М. Олтиевнинг кўшниси И. Қодировга тегишли, заруратдан бир неча кунга сўраб олганди. Ноилоҳ, йўқолган велосипед ўрнига 30.000 сўм тўлади. Шерзод



# ЖАҲОЛАМ БАНДАЛАРИ

Ёшликнинг тийиксиз хисларини суйган кизи Каринанинг уйи томон етаклади.

Карина яшайдиган уй олдига келиб нима қиларини билмай турган Ботирни деразадан Каринанинг ўзи чақириб қолди.

— Ботир, уйга кир, сенда гапим бор, илтимос...

— Яхшиси ўзинг чиқ, кутиб тураман, — деди Каринанинг онаси уйида бўлса ўзига ёмон бўлишини тушушган Ботир. Сўнг кўнгли ниманидир сезганидани, кетмоқчи бўлди.

— Кечроқ келарман, ҳозир шошлиб турувдим, — қизни алдаган бўлди у. Карина жавоб бериш ўрнига дераздан нари кетиб, бироздан сўнг яна кўринди.

— Келавер, мен уйдан бутунлай кетмоқчиман.

— Қаёққа кетасан?!

— Сеникага. Нима, ўзинг шуни хохламовмидинг?

Ботир иккиланган қолди. Энди гапга оғиз жуфтлаганда қиз имкон бермади.

— Уйга кир, юқларимни кўтаришасан. Келавер, қўрқма, онам уйда йўқ.

Йигит иложсиз қолди.

Бир пайтлар Андрей Камолов деган уйғур йигит билан оила қурган, сўнг ажрашиб, қўшниси Нурулла билан расмий никоҳсиз яшаб келаёт-

ган Виолеттанинг оиласига, агар уни оила дейиш мумкин бўлса, ҳеч қимнинг ҳаваси келмас эди. Аслида бунга унинг ўзи айбдор. Жанжал-қашлиқнинг мазасини олган Виолетта қабиладан на кўни-қўшни, на уйдагиларга ҳаловат бор. Шу боис кафедра ошпаз ёрдамчиси бўлиб нонигагина ишлаб юрган бу аёл оиласи билан профилактика назорлигида рўйхатда турганлиги табиий эди.

Уша кун, яъни 2004 йилнинг 5 майида Виолеттанинг уйида галати «мажлис» бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари Виолетта, собиқ эри — ширақайф Андрей, ундан орттирган кизи Карина, Каринанинг дугонаси Кристина ва Виолеттанинг «ҳамхонаси» — Нуруллар эди. «Жан тартибидан» Каринанинг ахлоқи ва унинг йигити Ботирга бирон чора кўриш масаласи кўрилди.

— Мен, — деди Виолетта, — қизим қанчалик адабсиз бўлмасин аллақандай «зек» билан учрашиб юришига қаршиман. Сизлар қизимга биринг ҳақиқий, биринг ўғай отасизлар, — деди у эркакларга қараб, — демак унинг тақдирига ҳам жавобгарсизлар. Айтиб қўй, Ботир икки марта «ўтириб» чиққан.  
— Ой, у мени деб қамалган-ку. Мен қилиб ўғирликни бўйнига олиб қамалиб чиқди. Иккинчисида уни сиз қаматдингиз, — деди Карина йилғамсиз.

— Нима қилган бўлмас сени деб қилганман. Ўзинг Ботир мени урди, Ботир мени сўқди деб йиғлаб келмасмидинг? Фақатнинг тийиб юрганнингда шу гаплар йўқ эди.

— Мен нима ёмон иш қилганим? — бўш келмади Карина.

— Ҳали мактабни тугатмай туриб ҳомилдор бўлганинг қамми? Уша «кавалер»-инг ҳомилангни олдиришда ёрдам деб бир тийин бердимми?

— Унинг ўзи сизга айтид-ку абортга қаршиман деб. Ботир менга уйланмоқчи. У бола туғилишини хоҳловди... — йилғай бошлади Карина. — Сиз кетган пулингизга ачинапсиз, биламан.

— Гап фақат пудамас, кўрсатган хунарларни учун ҳам ҳали товон тўлайди...

Шундан сўнг Каринага ҳар томондан танбехлар ёғила бошлади. «Намунали» она ва «оталар» одоб-ахлоқ, ҳаётда адашмаслик ҳақида насихат қилишди. Хуллас, уни йилға қилган бўлишди.

«Ботир сенинг тенгингмас, ҳали йўлингда шунақа йигитлар учрайди-ки, ўзинг ҳайрон қоласан. У билан алоқангни тезроқ уз-да, унут-ун», — дейишди меҳрибонлари.

— Тўғри, — деди Берақор Карина уларга ён босиб, — Ботир мени кўп урушади. Биронтаси билан гаплашиб турганимни қўриб қолса — тамом, жанжал бошламай қўймайди. Унинг нимасини яхши қўраман, ўзим ҳам билмайман. Ундан қўрқаман

шекилли. У «нервинний»га ўхшаيدди. «Сени деб қамалиб чиқдим» деб бетимга солаверди.

— Бир умр шу писандани эшитиб юришни истамасанг, у билан вақтида алоқангни уз, — деди Виолетта.

— Лекин у мени барибир тинч қўймайди, биламан.

— Ўғини бизга қўйиб бер. Яхшилаб гаплашиб қўямиз. Уни уйга чақириб келсанг бўлди, — деди кайфи ҳали тарқамган Андрей.

Туман ички ишлар бўлимига Ботир Х.нинг 5 майдан буён бедарак кетгани ҳақидаги ариза келиб туши-

ши билан қалаванинг учи топилгандай бўлди.

Душманга ҳам раво кўрилмайдиган манзара: Акбар ака ўғлининг жасадини таниди...

Шу кунгек тезкор тахминлар ишлаб чиқилди, уни охири марта кўрганлар билан суриштирув ўтказилди. Деярли барча тахминлар Ботирнинг учрашиб юрган кизи Каринага бориб тақалаверди.

Бўёғига жиноятни фош этиш қийин кечмади: дастлабки терговдаёқ Карина бўлган воқеани айтиб берди.

Онаси ва «оталари»дан танбех эшитиб бўлган Карина ҳеч нарса бўлмагандай дугонаси Кристина билан сочларини бўяш учун ваннага чиқиб кетди. Ниманидир қидириб нариги хонага ўтган қиз ҳовлида қаловланиб турган Ботирни қўриб қолди. Бу пайтда катталар аллақачон «яримта»ни очиб, ўфатчиликни бошлаб юборишган эди.

Каринанинг «Ботир кўчада туририбди» деган гапи уларни ҳушёр тортирди.

— Уни чақир, кирсин буюёқ, — деди Виолетта ваҳожат билан.

— Барибир кирмайди, — деди Карина жовдираб.

— Чақир тез, ҳозир гаплашмасак кейин кеч бўлади, — аралашди Андрей. — Шунча гап эсингдан чиқиб кетдимми?

Карина деразани очиб Ботирни чақира бошлади. Йигит кўнмаган, «ҳозир» деди-ю нариги хонага ўтиб унинг «кечроқ келаман» деётганини айтиди.

— Кечроқ кеч бўлади, — деди Виолетта эркакларнинг маст бўлиб қолишига ишора қилиб, — Чақир, нима деб алдасанг алда, лекин чақир. Ҳозир Андрей борди уни бир ёқлик қилишим керак.

Карина деразага қайтиб бориб Ботирни уйда бир ўзимман деб алдади, уйга киришга кўндирди.

Аламзадалик. Бу кўйга тушган одамнинг кўзи кўр, қулоғи қар бўлиб қолади гўё. Аламзада юрган одамга фақат шайтон шерик бўлади. Энг ёмони, бу одам ўзининг қилаётган ишини тўғри деб билади, қимдандир ўч олиш пайига тушиб қолади. Худди шу билан барча муаммоси ҳал бўлади.

Виолетта ҳам ҳаётидаги муаммолардан чарчаб, аламзада аёлга айланди. Ҳаётда ўзи орзу қилганидай ўрнини топа олмади. Биринчи эри билан ажрашиб кетди, ҳозирги «эри» ҳам кўнглига ўтиришмас, айниқаса, «кайнонаси»нинг тергашлари... Кўнра жаанжал.

Қизи Карина ҳам унинг гапини бир пулга олмайди. Ҳали ўн олтига тўлмай туриб ҳомиласини олдириб ўтирибди. Бир нараса деса — уйдан кетиб қоламан» деб қўрқатади. Қадардан кизи ўша Ботир билан то-

пишди ўзи! Бир-бирини севар эмиш!

Виолетта Ботирни «қизимни тинч қўй» деб кўп оғохлантирди. Мелисага ҳам берди. Мелиса тартибга чақирган бўлди. Лекин қим қимга «сен фалончининг қизи билан учрашма» деб шарт қўяди? Буни Виолетта тушунишни истамас эди. Бир марта қаматиб ҳам қутулмади ўша йигитдан.

Аламзадалик уни кун сайин исқанжага олаверди. Худди бутун олам унга қарши тургандай. Бутун адолатсизликлар фақат унга аталгандай. У ҳамма аламларининг сабабчиси ўша — қизи Карина учрашиб юрган йигит деб ҳисоблайдиган бўлди. Гўё ундан қутулса, муаммолар барҳам топадигандай.

Ёшларни алдаб-сулдаб йўлга солиш, вақти келиб уларга қў фотиҳа бериш унинг хаёлига ҳам келмас эди.

Ботир ичкарига кириши билан Карина зшиқни тамбалади. Қизининг авзойидан қолқонга тушганини тушунган йигит эшикка ёпишди,

лекин очига улгурмади. Бирдан пайдо бўлган Андрей уни деворга тираб, бўға бошлади. Андрейга Виолетта билан Карина қўшилди. Йигитни судраб ошхонага олиб ўтишди. Энди уларга Нурулла ҳам қўшилди. Кучи етмаслигига қўзи етган Ботир ёрдам сўраб бор овизда бақира бошлади. Қимдир магнитфоннинг овозини кўтариб қўйди...

— Сен уни ўлдириб қўйдинг, Виолетта, — деди биринчи бўлиб ўзига келган Нурулла.

— Мақсад нима эди ўзи? — деди беҳол деворга сўянар экан Виолетта.

Тун оғиб, Қичкириқсув бўйида осмонга ўрлаб ёнаётган оловда бир тўда ваҳийлар қўлида нобуд бўлган йигитнинг жасади қуяётгани ўткинчиларнинг хаёлига ҳам келмас эди. Худобехбарлар қуйган жасадини сувга оқизди, гўёки, ёлғиққ қозон ёлғиққича қўсин...

Қичкириқсувдан одамнинг ёндирилган жасади топилгани ҳақидаги миш-миш кўнчилик қатори Виолеттанинг ҳам қулоғига етиб келди. Бу гаплар уни гангитиб қўйди. Шундоқ ҳам нарқолоғия диспансерида рўйхатда турувчи аёниқчиликка руку қўйди. Ишни ҳам йиғиштириб қўйиб, хавотир ичида нимадир бўлишини кута бошлади: эшик тек этса ўзини қўярга жой тополмай қоларди. Қизи Каринани милиция суриштириб қолганда унинг ёлқисидан тоғ ағдарилгандай бўлди: епир очилса, жазомани олсаму, зора бу таҳликали кунлар интиҳосига етса... Лекин асаблари дош беролмади, қўл томирини кесиб юборди. Аммо ўлим ҳам ундан юз ўғирди, Виолетта омон қолди. Буни у жазони енгиллаштиришни умид қилиб ёки ўлимни афзал билди содир этгани бизга қоронғу.

Марҳумлар ҳақида ёмон сўзлар айтилмайди. Зеро, ҳеч бир инсон дунёга устун бўлолмайди. Шу маънода хали йигирмага ҳам тўлмай, ноқасалар қўлида жон берган Ботирнинг табиати ҳақида ҳам ёмон гаплар айтиш ноқош.

Фақат, туپна-тузук оиланинг фарзандини бу фалокатга нима етаклагани тушуниксиз. Ахир Ботирнинг ота-онасида орзу-ҳавас йўқмиди?

Эҳтимол, Ботир хатоларга йўл қўйиб улгургандир, лекин бу нараса ҳеч қимга унинг жонига қасд қилиш ҳуқуқини бермас эди-ку!

— Инсон ҳаётига сўмқасд қилиш энг оғир жиноят.

Суд ҳукми билан жиноятчилар тегишли жазага тортилди.

**Рустам РАҲИМОВ,**  
Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси.  
**Шавкат ЁДҒОРОВ,**  
«Нуқуқ» муҳбири

**Х. ҲАМРОЕВ,**  
Бағдод туман прокуратураси  
терговчиси

## ДЕТЕКТИВ НИҚОҲА

(Давоми. Бошлангани ўтган соҳда.)

Тоҳир хонага қайтиб кирганида Холматов студда турганча шафнинг устига қараб турган эди. У студдан тушаркан, гап қотди:

— Қаранг, шаф устидан ҳам ниманидир олиб кетишганга ўхшайди.

Тоҳир стулга чиқиб шафнинг устини кўздан кечира бошлади. Чанг босган, мисдан ясалган икки гулдоннинг ўртасида чанг тушмаган думалок шаклдаги из бор эди.

Тоҳир бу манзарага ўзича турлича изоҳлар бериб, бироз турди-да, Маринани чақирди сўради.

Аёл хонага кириб келгач унга шаф устини кўрсатиб, савол бера



# СОАТ

бошлади:

— Марина, сиз бу уйга тез-тез кириб тургансиз. Мана бу ерда яна қандай жиҳоз етишмапти, эслай оласизми?

— Ҳозир, нима бор эди-я? Ҳа, эсимга тушди, соат бор эди. Ҳа, да, аниқ эсимда, жуда чиройли соат.

— Уни охири марта қачон кўрган эдингиз?

— Кеча эрталаб кирганимда ҳам турган эди. Биласизми, у соат ишламасди. Ё ортда қоларди, ё олдинда юрарди. Бир кун Толик амакидан сўраганимда, бу соат жуда қадимий бўлишига қарамасдан жуда аниқ вақтни кўрсатишини, лекин бу вақт бизникидан фарқ қилишини айтганди.

— Жуда қадимий денг? Демак, уни бекорга олиб кетишмаган. Балки жиноятчининг мақсади ҳам айнан шу соатни олиш бўлгандир.

Тоҳир шундай дер экан, яна ўйланиб қолди. Бироздан кейин кўзи унга ҳайрон бўлиб қараб турган Марина билан Холматовга тушди.

— Марина, Максимнинг манзили ёки телефон рақамини билмайсизми?

— Қайси, Максим? А-а, Толик амакининг жияними? Телефон рақами дафтарчада ёзилган бўлиши керак. Ҳозир олиб чиқаман.

Марина чиқиб кетгач, Тоҳир Холматовга юзланди:

— Сен жияни билан боғлиб, уни бу ерга чақиртир. Керакли маълумотларни ол. Эрталаб соат 10 да олдимга келсин.

— Агар уни тополмасак-чи?

— Ҳаракатини давом эттиравер. Афсуски, ҳозирча маълумот олиш учун ундан бошқа одамимиз йўқ.

Эрталаб прокурор мазкур жиноят юзасидан тайёрланган ахборот билан танишиб бўлгач, иш юзасидан тергов гуруҳини тузиш ва вазифаларни белгилаб олиш мақсадида йигилиш ўтказди.

Тергов иши Тоҳирга топширилди. Тоҳир хонасида ишларни режалаштириб ўтирганида, телефон жиринглади:

— Алло, эшитаман.

— Ассалому алайкум.

— И-е, Рамуза, салом. Яхшимисан?

— Раҳмат, яхши. Ўзингиз қалайсиз? Нега кеча кежурин кўнгирак қилмадингиз? Кутаётгандим...

— Айтгандим-ку, навбатчиликдаман деб. Устига-устак жиноят содир бўлди. Туни билан ўша ерда эдим.

— Қанақа жиноят?

— Қизқасан-а, Рамуза, билиб нима қилсан?

— Ҳа майли, Тоҳир ака, чарчаган кўринасиз. Бунинг устига вақтингизни олаётганга ўхшайман.

Рамузининг овозидан рангизни аломати сезилди. Тоҳир вақтинчи юмшатилиш мақсадида шоша-пиша

гап қотди:

— Мен ҳали нонушта қилишга ҳам улгурмадим. Балки тушликни бирга қилармиз, нима дейсан, вақтинг борми?

— Албатта бор. Кўришсак жуда яхши бўларди. Сизни жуда соғиндим.

— Бўпти, чиқайтганимда сенга кўнгирак қиламан. Кўришгунча. Тоҳирнинг хаёли зумда Рамузага кетди. Айниқса, сизни жуда соғиндим деган сўзлари унинг қулқлариди тақдор ва тақдор унграй бошлади. Бу ўзига ҳос ёқимли хаёлларни ашиқдан «мумкинми» дея кириб келган йигит буюбди.

— Акрамов Тоҳир сиз бўласизми? Мен марҳумнинг жияни Максим Тимовман. Чақиртирган экансиз?

— Келинг, ўтириг, Максим. Чўкур таъзия билдираман.

— Раҳмат. Менга тонгга яқин хабар қилишди. Умидқиламанки, жиноятчиларни топишда қўлингиздан келган барча ишларни қиласиз.

— Албатта ҳаракат қиламиз. Максим, сизни бу ерга нима учун чақиртирганимни тушунтириб ўтиришга ҳоҳат йўқ, менимча. Шу сабабли саволларга ўтаверсам...

— Тушунаман. Лекин мени кўп ушлаб турмайсиз деган умиддаман. Сабаби дафн маросини менинг бўйимда.

— Амакингизнинг уйда ўлдирилган кишилардан биронтасини танидингизми?

— Йўқ, улар умуман нотаниш. Очиги, амакининг бу кишилар билан қандай алоқаси бўлганлигига ҳали ҳам ҳайронман. Биласизми, у ҳаттоки почтани ёки коммунал тўлови учун келган ходимларни ҳам уйига киргизмасди. Булар эса...

— Балки яхшилаб эслаб кўрасиз?

— Айтялман-ку, ҳеч қачон кўрмаганман.

— Бу каби саволларни бераётганим учун узр. Лекин бу нарсалар муҳим аҳамиятга эга.

— Мен сизни жуда яхши тушуниб турибман. Ўзим ҳам юристман. Давом этаверинг.

— Айтинг-чи, амакингизниқанда тез-тез келиб турардингиз?

— Илкон борича. Мен кўпича чет эл сафарларида бўламан. Лекин бўш вақт тугилди дегунча, оилам билан улариқанда меҳмонга борардим. Ундан бошқа яқин қариндошим бўлмагандан кейин... У менга ота ўрнида эди. Болаларим ҳам уни «бува» деб чақиртирарди.

Максим чўнтагидан сигарет олиб чекишга рухсат сўради.

— Чекаверинг. Нима деб ўйлайсиз, амакингизнинг душманларни кўпимиди?

— Қизқимсиз, қариянинг қанақа душмани бўлсин? Уйдаги бир-икки-ка қадимий буюмларни хиёбона билмас, деярли бойлиги ҳам йўқ эди.

Пенсиясига яшарди. Ҳатто ёрдам учун пул тақлиф қилсам, еб-ирилмига пенсиям ҳам етарли деб, олмасди. Йўқ, ҳеч қимдан шубҳам йўқ.

— Қандай қадимий буюмлар, аниқ-роқ айти оласизми?

— Улар қадимий бўлгани билан айтирли даражада қиммат эмасди, назаримда. Масалан, йигитлар менга уйдан соат олиб кетилганини айтишди. Амаким уни буюмлари орасида энг қадимий ва қимматли деб, роса эъозларди. Очиги, мен бундай нарсаларни яхши тушунаймай.

— Йў-э. Қалай ишларинг, нима янгиликлар?

— Шу пайт Рамузининг қўли боғланганлигига қўзи тушган Тоҳир савол беришга улгурмасидан қизинг ўзи гап бошлади:

— Айтирли янгиликлар йўқ. Кўриб турганингиздай, жароҳат олдим. Ўй юмушларига берилиб кетган қизқўлни кесиб олди. Лекин унчалик жиддий жароҳат эмас. Ўзингизда нима гаплар?

— Унинг бу ҳазилига Тоҳир ҳам қулиб юборди.

— Қўлимни кесиб олганим йўқ, Ҳаммаси ўша-ўша, иш кўп. Нима буюрамиз?

— Фарқи йўқ. Қорним унчалик оч эмас.

Тушлик давомида Тоҳир тергов қилаётган иши ҳақида гапириб берди. Рамуза эса қизқич билан кетма-кет саволлар бераверарди. Унинг саволларига жавоб беравериддан чарчаган Тоҳир ҳазиллашиб:

— Сен руҳшуносликдан кўра терговчи бўлсан бўларкан. Бунча кўп савол берсан? Нима, бу нарсалар шунчалик қизқичми?

— Қаердан биласиз, балки келажакда терговчи бўлмоқчи димирман?

— Қўйсанг-чи. Бу иш сен ўйлаганчалик осон эмас.

— Менга осонроқ кечиши аниқ. Ахир руҳшуносман-ку. Инсонлар билан қандай муомала қилишни яхши биламан. Шу сабабли керакли маълумотни осонликча аниқлаб олишим мумкин. Ҳўш, уйдан олиб кетилган соат қандай соат экан ўзи?

— Барибир ўзингизидан қолмагандан-да. Билмадим қандай соатлигини. Қимматбаҳо бўлса керак-да.

— Ҳўш, Шерлок Холмс, мазкур жиноят юзасидан қандай таҳминларингиз бор?

Рамузининг бу галги ҳазилига Тоҳир чўкур ўф тортиди:

— Билмадим. Бошим қотиб қолди. Бир нарса дейиш қийин. Уша икки йилгитинг шахси аниқланмагунча саволлар жавобсиз қолаверди, менимча. Мана сен, терговчи бўлмоқчиман дединг. Шу вазиятда қандай таҳминини илгари сурган бўлардинг?

— Билмадим. Лекин сиз айтганингиздай, ҳақиқатан ҳам терговчилик касби осонга ўхшамайди. Майли, кетамизми? Сизнинг ҳам ишла-

баҳо экан. Назаримда шу таҳминни ҳар томонлама ўйлаб чиқиш керак. Сен марҳумнинг кўшнисини Пўлат ака, йўқ, яхшиси унинг Равшан исмли ўғли билан гаплашиб кўр. Энг асосийси тезроқ номаълум икки йилгитинг шахсини аниқлаш керак.

— Тушундим.

Тоҳир тушликка чиқишдан олдин келишилгандай Рамузага кўнгирак қилиб, ўрашув жойини белгилаб олди. Рамуза кириб келганида Тоҳирни жиноят ҳақидаги ўйлар тарқ этди.

— Куттириб қўймадимми?

— Йў-э. Қалай ишларинг, нима янгиликлар?

— Шу пайт Рамузининг қўли боғланганлигига қўзи тушган Тоҳир савол беришга улгурмасидан қизинг ўзи гап бошлади:

— Айтирли янгиликлар йўқ. Кўриб турганингиздай, жароҳат олдим. Ўй юмушларига берилиб кетган қизқўлни кесиб олди. Лекин унчалик жиддий жароҳат эмас. Ўзингизда нима гаплар?

— Унинг бу ҳазилига Тоҳир ҳам қулиб юборди.

— Қўлимни кесиб олганим йўқ, Ҳаммаси ўша-ўша, иш кўп. Нима буюрамиз?

— Фарқи йўқ. Қорним унчалик оч эмас.

Тушлик давомида Тоҳир тергов қилаётган иши ҳақида гапириб берди. Рамуза эса қизқич билан кетма-кет саволлар бераверарди. Унинг саволларига жавоб беравериддан чарчаган Тоҳир ҳазиллашиб:

— Сен руҳшуносликдан кўра терговчи бўлсан бўларкан. Бунча кўп савол берсан? Нима, бу нарсалар шунчалик қизқичми?

— Қаердан биласиз, балки келажакда терговчи бўлмоқчи димирман?

— Қўйсанг-чи. Бу иш сен ўйлаганчалик осон эмас.

— Менга осонроқ кечиши аниқ. Ахир руҳшуносман-ку. Инсонлар билан қандай муомала қилишни яхши биламан. Шу сабабли керакли маълумотни осонликча аниқлаб олишим мумкин. Ҳўш, уйдан олиб кетилган соат қандай соат экан ўзи?

— Барибир ўзингизидан қолмагандан-да. Билмадим қандай соатлигини. Қимматбаҳо бўлса керак-да.

— Ҳўш, Шерлок Холмс, мазкур жиноят юзасидан қандай таҳминларингиз бор?

Рамузининг бу галги ҳазилига Тоҳир чўкур ўф тортиди:

— Билмадим. Бошим қотиб қолди. Бир нарса дейиш қийин. Уша икки йилгитинг шахси аниқланмагунча саволлар жавобсиз қолаверди, менимча. Мана сен, терговчи бўлмоқчиман дединг. Шу вазиятда қандай таҳминини илгари сурган бўлардинг?

— Билмадим. Лекин сиз айтганингиздай, ҳақиқатан ҳам терговчилик касби осонга ўхшамайди. Майли, кетамизми? Сизнинг ҳам ишла-

рингиз кўп.

— Майли, кетдик.

Кеча яқин Тоҳирнинг қўлига қон изларининг анализ натижалари келиб тушди. Унга кўра урта қон юки мурдаларники, лекин биттаси номаълум шахсга тегишли экан. У

Холматовга жиноятга алоқадор бўлиши мумкин бўлган барча кишиларнинг қон анализини олиб, текширишни буюрди. Тоҳирнинг назарида энди тергов иши осонроқ кечиши ва сал бўлса ҳам олдинга силжиши мумкиндай туюлди. Соат кечки саккизларда Максим кўнгирак қилди.

— Яхшимисиз, Тоҳир?

— Раҳмат. Бирор янгилик борми?

— Соат ҳақида сизни қизқиратган нарсаларни хотиним айтиб бериши мумкин экан. Телефон орқали ҳам гаплашса бўладими?

— Максим, яхшиси бу ерга келгани маъқул. Эртага эрталаб сизларни кутаман.

— Яхши, албатта борамиз.

Максим ваъдага кўра, эрталаб соат тўқизда Тоҳирнинг ҳузурига хотини Тамара билан бирга кириб келди. Тамарага Толик амакининг ўлдириб кетишгани жуда қаттиқ таъсир қилгани таъки қўришидан сезилиб турарди. Тоҳир унга таъзия билдиргач, саволларини бошлади.

— Тамара, уйдан йўқолган соат қанақа эди?

— Бу жуда қадимий соат. Таҳминан XVI асрларда ясалган. Жуда қимматбаҳо. Лекин нархини аниқ айтолмайман. Санъат асарларига қизқичман сабабли Толик амаким билан унинг уйдаги буюмлар ҳақида кўп гаплашардим. У соатнинг «72 соат» деб аталлигини айтганди.

— Соат ҳақида кўпчилик билармиди?

— Йўқ, менимча кўпчилик эмас.

— Бу соат ва умуман бошқа қадимий буюмларни Толик амаки қаердан олган?

— Бу саволга Максим жавоб берди:

— Катта амаким, яъни Толик амакининг акиси ҳам иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси. Берлинда ҳам бўлган экан. Толик амакининг айтишича, бу нарсаларнинг кўпчилигини у олиб келган.

— Амакингизнинг бу буюмларни сотиш мақсади йўқмиди?

Максим бу саволга нима деб жавоб бериши билмай қолди. Шунда Тамара гап бошлади:

— Йўқ, асло. У бу буюмларни ҳеч қачон сотмаслигини менга бир неча марта айтганди. У ҳаттоки бу буюмлар бизга қолгандан ҳам уларни ҳеч қимга сотмаслигимизни илтимос қилган.

— Тамара, билмайсизми уйдан бошқа ҳеч нарса олиб кетилмаганми?

— Мен ҳалигача ўзимга келолмаганим сабабли, у ерга ҳали борганим йўқ.

— Сиздан илтимос, йигитлар билан уйни кўздан кечирсангиз. Бу жуда муҳим. Ҳа, яна бир нарса, агар мана шу соатнинг сурати бўлса ҳам яхши бўларди.

— Яхши, мен уйни қараб кўраман. Жиноят иши бироз бўлса-да ойдинлашавпти деб ўйлаётган Тоҳирнинг таҳминлари сўнгги маълумотлардан сўнг изидан чиқиб кетди. Унинг учун ҳозир бир нарса аниқ эди, холос. Жиноят соатни қўлга киритиш мақсадида содир этилган. Лекин бу қимматбаҳо соат ҳақида марҳумнинг фақат яқинларини билдишган. Унда бу жиноятни ким содир этган? Шахси ҳали аниқланмаган кишилар ким? Наҳотки Максим билан Тамара бу ишга алоқадор бўлишса? Унинг миёсида шу каби саволлар чарх уриб, эр-хотинга нисбатан вужудга келаётган шубҳа тобора кучайиб борарди. Шу пайт телефон жиринглади. Тоҳир гўшакни кўтарди.

(Давоми келгуси соҳда.)

Жаҳонгир МАКСУМОВ,  
журналист

ТАБИАТ ВА БИЗ

«Цунами» япон тилидан «қотил тўлқин» деган маънони беради. Бу офатга айнан японлар цунами деб ном қўйгани ҳам бежиз эмас. Чунки Япония ороллар мамлакати бўлиб, цунамидек табиий офатлар тез-тез рўй беради. Олимларнинг эътирофи эътишча, цунамилар денгиз тубидаги тектоник қатламларда юз берадиган силжишлар, яъни zilzilалар оқибатида юзага келади. Бир қатлам иккинчи қатламнинг устига чиқиб кетиши ёки ҳаракатга тушиб бир-бирига урилиб кетиши натижасида денгиз сатҳида катта тўлқин юзага келади ва қатламларнинг ҳаракатига қараб цунами тўлқинлари ҳам ўз йўналишини белгилаб олади. Демак, zilzila қанчалик кучли бўлса, цунами ҳам шунчалик кучли ва тўлқинлари баланд бўлади.

Япониянинг Кобе шаҳрида бўлган, табиий офатларни бартараф этишга қаратилган халқаро илмий-амалий анжуман ҳам айнан шу мавзуга бағишланди.

Унда цунами, шунингдек бошқа табиий офатларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди. Айни дамда бу борада ҳукуматлараро битим тузиш режаси илгари сурилмоқда. Ҳинд океанида рўй берган цунамидан ушбу океан ҳавзаси давлатлари қатори катта зарар кўрган Тайланд ҳукумати цунами рўй беришидан олдин хабар берадиган муҳофаза тизимини барпо этиш таклифи билан чиқди. Тайланд ҳукумати, мазкур тизимни барпо этишга 10 миллион доллар маблағ ажратишга тайёр эканини билдирди. Бирок, ҳисоб-китобларга кўра, муҳофаза тизимини барпо этишга кетадиган харажатдан кўра, унинг фаолият-

тини йўналтириб туришга йилга 30 миллион доллар сарфланар экан.

Анжуманда ушбу масала бўйича қарор қабул қилинди. 2006 йилнинг бошларидан Ҳинд ҳавзасида цунами рўй беришини олдиндан хабар берувчи муҳофаза тизимини яратиш бўйича халқаро битим имзоланди. Биринчилар қаторида Япония, Европа Иттифоқи, яна қатор давлатлар ушбу лойиҳага маблағ ажратишга тайёр эканликларини билдиришди. Мазкур тизимнинг ишлаш услуби эса куйидагича бўлади. Океан ҳавзаси-

ноқулайликлар келтириши турган гап. Бу тизимни қуришдан асосий мақсад одамлар орасида қўрбонлар бўлмаслигига эришишдир. Оддий қилиб айтганда, тизим индирок вазифасини бажаради, ҳолос. Масалан, Ҳинд океанида цунами вужудга келиб, тўлқинлар қирғоққа яқинлашган сари улар юқорида айтиб ўтилган буйларга урилади, ўз навбатида буйлар худудий алоқа марказига яқинлашганда цунами тўғрисида ахборот беради. Алоқа марказидан эса океан ҳавзаси атрофида жойлашган шаҳар ва қишлоқларга овоз ку-

худудларда яшовчи аҳоли ва сайёҳлар хавфсиз жойларга кўчирилган. Айрим олимларнинг фикрича, денгиз жониворлари, жумладан кит ва дель-



# Табиат қажри

**Халқимизда ўт балоси, сув балосидан асрагин деган нақл бор. Бу икки табиий офат тарихда инсоният бошига не-не ташвишларни солмаган дейсиз. Цунами — сув балосининг энг даҳшатли кўриниши. Бу табиий офат оқибатида ер юзиде миллионлаб одамлар қўрбон бўлган. Бунинг Жануби-Шарқий Осиё худудларида рўй берган цунамидан талофатларидан ҳам кўриш мумкин. Ушбу, цунами ўзи нима, унинг келиб чиқиш сабаблари, бу офатни бартараф этиш чоралари борми?**

нинг қирғоққа яқин жойларида юқори технологик буйлар, яъни сув устида қалқиб турадиган мосламалар жойлаштирилади. Уларнинг ҳар бири океан тубига троллар билан қотирилади. Ўз навбатида буйлар худудий алоқа марказларига электрон кўрсаткичлар орқали уланган бўлади. БМТ мутахассисларининг айтишича, энг катта хавфли цунами тўғрисида олис худудларда жойлашган қишлоқларга хабар етказилади. АҚШ,

Германия ва Австралия давлатлари бу борада ўзларида мавжуд юқори технологияларни таклиф қилишмоқда. Япония эса ўзининг океани кузатиш марказларидан зарур ахборотлар билан ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди.



Бирок, цунами рўй беришини олдиндан хабар қиладиган тизим тўлалигича талофатнинг олдини олади деб бўлмайди. Чунки ҳали баландликда, бундай тезлик ва катта кучда босиб келаётган тўлқинни тўсиш масаласи ҳамма жойда ҳам қилинмаган ва бу турдаги мосламалар барпо этишга катта миқдорда маблағ зарур бўлади. Шу билан бирга бу мосламалар аҳолига анча

чайтиргичлар орқали маълумотлар кетади. Ушбу худудда яшовчи аҳоли ёки сайёҳлар тезда хавф-



сиз жойларга кўчирилади. Айтиш жоизки, агарда бундай тизим аввалроқ барпо этилганида 26 декабрда рўй берган цунами қўрбонлари 300 мингдан ортик кишини ташкил этмасди. Мисол учун, Тинч океани Америка қитъаси ҳавзасининг айрим жойларида бундай тизим фаолият кўрсатмоқда. 1946 йили Гавайи оролларида 9 метр баландликдаги цунами босиб борганидан кейин келажакда бу офатнинг олдини олиш мақсадида бу ерда шундай тизим яратилган. Бунинг натижасида, 1975 йили Гавайи оролларида яна бир бор цунами келганида қўрбонлар сони атиги икки кишини ташкил этган, чунки муҳофаза тизими мамлакат ҳукумати яқинлашиб келаётган табиий офат тўғрисида огоҳлантирган ва қирғоққа яқин

финларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб, цунамига сабабчи кучли zilzilалар рўй бериши мумкин бўлган худудларни аниқлаш имконини мавжуд. Уларнинг айтишича, тектоник қатламларда силжишлар юзага келиши ернинг электромагнит сфераларида бевосита таъсир кўрсатади.

Бу эса ўз навбатида электромагнит тўлқинларга ўта таъсирчан бўлган жониворларга ўзгача таъсир кўрсатади. Китлар ва дельфинлар электромагнит тўлқинларнинг босимида дош беролмай ўзларини қирғоққа отишади ва ҳалок бўлади. Лекин бу тахмин ҳали тўлиқ исботини топгани йўқ.

Кобе анжумани қатнашчилари хавфсизлик масалаларига эътибор қаратишаркан, айни дамда жаҳоннинг қатор йирик шаҳарлари бу борада ожиз эканликларини таъкидлашди. Чунки, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг денгизга яқин жойлашган йирик шаҳарлари юқорида айтиб ўтилган табиий офатларни олдиндан хабар қилувчи муҳофаза тизимига эга эмас. Олимларнинг таъкидлашича, Ҳинд океани ҳавзасида барпо этилажак муҳофаза тизими жаҳонда ягона тармоққа асосланиб ишлайдиган глобал тизимни барпо этишдаги илк қадам бўлиб хизмат қилмоғи даркор. Чунки, кузатишларга қараганда, маълум вақтдан кейин ер юзиде ҳарорат ошиб кетади. Ўз навбатида бу Антарктида ва Арктика музликларининг эришига олиб келади ва океанлар сатҳи бирмунча кўтарилади. Агар инсоният ҳозирдан ушбу ҳолатларга тайёр бўлмас экан, Жануби-Шарқий Осиё фожеаси бошқа минтақаларда қайтарилиб бериб бўлмайди.

Цунамидан талофат кўрган давлатлар Тайланд, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқаларга халқаро ҳамжамият томонидан ажратилаётган ёрдам миқдори торабора ошиб бормоқда. Ривожланган давлатлар ушбу минтақа иқтисодийетини изга тушириш борасида талайгина хайрли ишларни амалга оширмоқда. Айни дамда 45 та мамлакат минтақадаги давлатларга ёрдам қўлини чўзган, улар ҳозиргача 1,5 миллиард доллар миқдорда ёрдам пули ажратилган. Шунингдек, Жаҳон ҳамда Осиё ривожланиш ва тараққиёт банклари 550 миллион доллар маблағ ажратди. Эл бошига мусибат тушганда бирлашадилар. Зеро, келажакда инсониятни синовдан ўтказувчи табиий офатларни фақатгина ана шундай бирликда, баҳамжиҳат энгиш мумкин.



## Халқаро ҳамкорлик сари

Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббас яқин кунларда расмий ташриф билан Эронда бўлади. Ушбу маълумотни ҳар икки томоннинг расмий вакиллари ҳам тасдиқлашди. Хабарларда айтилишича, Техронда бўлиб ўтажак музокараларда икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда хавфсизлик масалалари кўриб чиқилади. Узоқ йиллик Исроил-Фаластин муаммолари мухториятнинг халқаро алоқаларини издан чиқарган эди. Мухториятнинг янги раҳбари хоржий давлатлар билан ҳамкорлигини кенгайтиришга бел болаган. Ҳозирча ташриф қуни аниқ эмас. Россия ва Туркияга қилган ташрифларидан сўнг Фаластин раҳбари мамлакатнинг ички муаммоларига диққатини қаратмоқчи. Эслаб ўтиш жоизки, Фаластин мухториятининг собиқ раҳбари Есир Арофат ҳам Эронга икки бор ташриф буюрган. Бу галги ташриф Эрон ҳукуматининг ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

## Самарасиз музокаралар

Шимолий Ирландияда тинчликни қарор топтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар самара бермапти. Буюкбритания, Шимолий Ирландия ҳукуматлари ҳамда Ирландия республикаси армиясининг сиёсий қаноти бўлган Шин Фейн партияси ўртасида имзоланган битимга кўра, ИРА тез орада қуролсизлантириш дастурини амалга ошириши керак эди. Бирок, ИРА раҳбарияти ташкилот қуролсизлантирилмаслигини эълон қилди. Уларнинг таъкидлашича, Буюкбритания ҳамда расмий Белфаст ИРА ташкилотини қатор банкларда талончилик қилганликда айблamoқда. Лекин, ушбу айбловнинг исботи йўқ. ИРА раҳбариятининг фикрига кўра, Лондон ҳамда Шимолий Ирландия маъмурияти турли баҳоналарни рўқач қилиб, имзоланган тинчлик битимига ўзгартириш қиритишга ҳаракат қилмоқда. Буюкбритания ҳукуматининг таъкидлашича, айнан ИРА тинчлик ўрнатишга тўсқинлик қиладиган экстремистик ташкилотдир. Бирок, Буюкбритания Бош вазири Тони Блэр Ирландия республикаси армиясининг ушбу баённомаси террористик ҳаракатлар яна амалга оширилади дегани эмас дея умид билдирди.

## Текширүв ўтказилмоқда

Ўтган ҳафтада Грузия Бош вазири Зураб Жвания ҳамда унинг дўсти, Квемо Картли ўлкаси губернаторининг ўринбосари Раул Усупов газдан захарланган оқибатда вафот этишди. Маълумотларга қараганда, Р.Усуповнинг уйида улардан бошқа ҳеч ким бўлмаган. Жвания кечки соат 12 ларда Усуповникига келган. Соқчиларга машинада қутиб туришни буюрган Бош вазирдан анча вақтгача дарак бўлмаган. Бундан хавотирга тушган кўриқчилар уйга деразадан ошиб тушишган ва юқоридаги ҳолатга гувоҳ бўлганлар. Бирок, воқеа жойига бир гуруҳ мутахассислар билан етиб келган «Тбилизгаз» бош директори Давид Морчеладзе текшириш ўтказиб, газ чиққаниги аломатларини рад этди. Бу эса ўз навбатида Жвания ҳамда Усупов табиий газ чиқиб кетиши оқибатида улган деган тахминни инкор этди. Саҳифани интернет хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

## G'ALATI DUNYO

## Чўчка болаларига... ўйинчоқ, тойчоқ ва отларга... памперс

АҚШни кўплар «кўз қўриб, қулоқ эшитмаган галати қонунлар» мамлакати деб аташади. Бу гапда жон бор, албатта. Шу боис бу ерда кишининг тасаввурига сиғмайдиган «ахлоқона қонунларни» бекор қилишни ўз олдидларига мақсад қилиб қўйган ўнлаб ташкилотлар тўзилган. Аммо уларнинг барча уринишлари бесамавр кетмоқда. Бундай қонунларни бекор қилиш у ёқда турсин, уларга кўпгина штатларда тўлиқ амал қилинмоқда ҳамда янада галатирок қонунларни ўйлаб чиқариш давом этмоқда. Қуйидагиларни ўқиб, шунга амин бўласиз.

Коннектикут штатининг Хартфорд шаҳрида келин-куёвлар ва умуман эр-хотинларга ақшанба кунлари ўпишиш қатъиян ман қилинган. Қонунбузарлар қаттиқ жазога тортилди.

Кентукки штатида чиқарилган бир қонунда айтилишича, «қўлида белкураги ҳамда иккита полициячи ҳамроҳлигида бўлмаган биронта аёл кўчада чўмилиш кийимиде юришга ҳақли эмас». Бундан чиқадиган маъно шуки, қўлида белкураги бор икки-

та полициячи ҳамроҳлигидаги аёл чўмилиш кийимиде кўчада хоҳласа бир соат юрсин, хоҳласа кун бўйи, бу энди ўзининг иши. Вазни 40 килограммдан кам ва 90 килограммдан оғир аёлларга ушбу қонун татбиқ этилмайди.

Лос-Анжелесда эр хотинидан розилик сўрамай туриб, уни эни 2 дюмдан ошқ (1 дюм — 25,2 миллиметр) камар билан уришга ҳаққи йўқ. Агар камар 2 дюмдан энсизроқ бўлса, энг юқори суд инстанцияларига муурожаат қилганда ҳам эр жазоланишдан хавфсирмайди, ялло қилиб юрaverади.

Индиана штатида октябрдан мартгача фуқароларнинг ўз уйларида ваннада чўмилишни тақиқловчи қонун чиқарилган экан. Бундан ташқари дўстлари, қариндош-уруғлари билан ўпишиб кўри-

шишни ёқтирадиган кишилар кунора сартарошхонага кириб, соқол-мўйловини қўридиришга мажбур қилинади, акс ҳолда уларга катта миқдорда жарима солинади.

Калифорния штатида қурбақаларни ўпиш ҳамда ички кийимлар (майка, труси) билан автомашинани артиш ман этилади.

АҚШда кўчаларни саранжом-сарришта ва тоза тутишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу маънода 2003 йилнинг ноябрида Миссури штатининг Лусдейл шаҳрида галати қонун чиқарилди. Унга кўра, отлар кўчада ўзларини одобли тутиши ҳамда тўғри келган ерга тезак ташламаслиги лозим. Буниног учун отнинг эгаси, қонунга биноан, отига памперс кийдириши шарт. Маҳаллий отсеварлар бу қонунга нисбатан турлича муносабат билдиришмоқда. Улардан бири «от ахир маймуна эмаску, унга памперс кийдирсак»

деса, иккинчиси «қонунга риоя қилиб отига памперс кийдирардим, аммо унга лойик памперс топилармикан, қолаверса, унга памперс кийдираётганимда, бири тегиб миямининг қатигини чиқариб юборса-чи» деган фикрларни билдирмоқда. Шунга қарамай, шаҳар раҳбарияти фақат отлар билан чеклиниб қолмасдан, сигир, қўн, хачир ва татто қўй-қўзиларга ҳам памперс кийдириш тўғрисида фармойиш чиқарган. Шаҳар дўконларига турли катталикдаги памперслар келтиришга буюртмалар берилган.


Маълумки, барча халқларда ибодат-ҳаё деган тушунча мавжуд. Аммо ҳамма нарса меъёрида бўлгани маъқул экан, акс ҳолда...

Огайо штатининг Оксфорд шаҳрида чиқарилган қонунга кўра, аёллар фақат бегона эркаклар олдида эмас, балки ўз уйида ҳам, агар хонада бирорта эркакнинг портрети осилган бўлса, ечиниби-кийиниши тақиқланади.

Бельгияликлар ҳам америкаликлардан ўрнак олган кўринади. Мамлакат ҳукумати фермерлар зиммасига янги туғилган чўчка болаларини турли ўйинчоқлар билан таъминлаш вазифасини юклади. Уларга коптқочалар

ва бошқа ўйинчоқлар берилди. Қизиги шундаки, бу ўйинчоқлар қизчаларга зарар етказмайдиган материалдан тайёрланган бўлиши лозим, чунки чўчкалар чўчкалига бориб, уларни еб қўйиши ҳам мумкин-да.

Интернет хабарлари асосида  
Йўлдош ПАРДА тайёрлади.



Абдувоҳид Тўраев олган сурат

Бул ажойиб кун эрурким,  
Ялтйрар ҳар ёнда қор.  
Кўжда афтоб, ерда қолдуз,  
Гарчи йўқ осмонда қор...

...Ушбу қорким эрта-индин  
Сув бўлар, бўстон бўлар,  
Соқда кўрдим тўртта тола —  
Бул асл бўстонда қор.

Абдулла ОРИПОВ



FAHRIYLAR FAXRIMIZ

## Ҳалоллик — инсон зийнати

Бу йил саксон ёшга тўладиган Хусанбек ака Абсаров қарийб 35 йил ҳуқуқ-тартибот идораларида самарали меҳнат қилди. Унинг ёшлиги иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Фрондаги аёвсиз жангу жадалларда қанча-қанча қуролдошларидан айрилди. Ажал юзига тик боқиб, диёнат ва матонат, мардлик ва ҳалоллик синовларидан ўтди.

Камтарин ва соддадил Хусанбек ака баландларвоз гапларни ёқтирмайди. Уруш йилларини эслаганда кўзларида қайғу ва армон зоҳир бўлади.

Урушдан кейин у Тошлоқ туман прокуратурасида котиб вазифасида ишлай бошлади. Хусанбек ака илк устози — туман прокурори Мубораконин миннатдорлик билан хотирлайди.

— Асли наманганлик эди. Ўта талабчан, қонунинг нуқта-вергулига қатъий амал қиларди...

Ҳ.Абсаров Тошкент юридик мактабини битирганидан сўнг терговчи лавозимига иш ўрганди. Тошкент Давлат университетининг юридик факультетида ўқиди. 1953 йил-

дан 1968 йилгача Бувайда, Қўқон шаҳар прокуратураларида терговчи, катта терговчи, вилоят прокуратурасида тергов бўлими бошлиғи, Андижон вилоят прокуратурасида катта терговчи лавозимларида ишлади. Задарё тумани прокурори этиб тайинланди. 1968 йили уни Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасининг тергов бўлими бошлиғи лавозимига ишга қўйишди. 1970 йилдан 1976 йилгача Марғилон шаҳар халқ суди судяси, Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1976 йили шаҳар прокурори лавозимига тавсия қилишди.

— 1978 — 1979 йиллари эди чамамда, — дейди Хусанбек ака. — Республикадаги барча ҳуқуқ-тартибот идораларини оёққа турғизган жиноят юз берди. Қўқондаги ҳарбий қисмдан қурол-аслаҳа ўғирланганди...

Мамлакатда шов-шувга сабаб бўлган ушбу жиноятни фош этишда Хусанбек аканинг кўп йиллик тажрибаси қўл келди. Унинг раҳбарлигида тезкор тергов гуруҳи жиноятчиларни топиб, терговқилиб,

суд ҳуқумига ҳавола этди.

Хусанбек ака билан бирга ишлаганлар, шогирдлари ундаги қатъиятчи алоҳида таъкидлашди. У ўз нуқтаи назарини дангал ҳимоя қилар, тазийқларни писанд қилмасди.

Хусанбек Абсаров 1985 йили Марғилон шаҳар прокурори лавозимидан пенсияга чиқди. Шунда ҳам турли ташкилот ва корхоналарда юрист лавозимиде ишлади. Айни кунларда ҳам Фарғонадаги ташкилотлардан бири — Давлат таъминоти савдо корхонасида юрист вазифасини адо этаяпти.

Ўғил-қизлари, неваралари ота-хоннинг бебаҳо бойлиғи. Мол-дунё ҳирси унга ёт. Фарғона шаҳридаги 4 қаватли бинолардан биридаги хонадонда оддий фуқаролар қатори камтарона ҳаёт кечиради. Базан тахририят жойлашган кўчадан пиёда ишга ўтиб бораётганимда отахон билан қўришиб қоламан ва «ҳалоллик — инсон зийнати» деган ҳикматнинг нечоғли ҳақлиғига амин бўламан.

Исроил ИБРОҲИМОВ,  
«Нуқуқ» муҳбири

**HUQUQ**  
yuridik gazeta

Та'сисчи:  
**О'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

Bosh muharrir:

**Abdulloliq ABDURAZZOQOV**

Tahrir hay'ati:

Bahridin VALIYEV, Abdulhalim XOLMAHMATOV, Pirimul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahoo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34,

133-64-72,

E-mail: info@huquq.uz.

Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 62. 18450 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Nabvatchi muharrir: **A.MUSTAFOQULOV**  
Musahhih: **A.MUSTAFOYEV**

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonamanzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231,232

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 2345678